

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЁТ-ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

5440500 - «География» таълим йўналиши
09.433-гуруҳ битирувчиси

Усмонов Муроджон Мухторович

"Олтиариқ тумани топонимларининг линго-географик
хусусиятлари"

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ **ИШИ**

Илмий раҳбар: география фанлари
номзоди, доцент О.Абдуғаниев

Фарғона - 2013

Битирув малакавий иш кафедранинг 2013 йил 6 майдаги 9 А – сонли
йиғилишида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган

Кафедра мудири: О.Абдуғаниев, география фанлари номзоди, доцент

Такризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори,
профессор
Ю.Аҳмадалиев, география фанлари доктори,
профессор

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жой номларининг шаклланиш жараёни жамиятнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ, жойларга қандай ном бериш аввало жамиятнинг муайян босқичдаги эҳтиёжлари билан белгиланади. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2011 йил 12 октябрь) қабул қилинганлиги муносабати билан мавжуд муаммолар ечимини топиш учун биринчи навбатда соҳа мутахассислари томонидан республикада олиб борилаётган топонимик сиёсатнинг талабларига жавоб берадиган амалий топонимиканинг ягона илмий концепциясини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Географик номлар кўп қиррали ва хилма-хил ахборот манбаи бўлиши билан бирга, кишилиқ жамияти учун зарур ва муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий вазифани, яъни адреслик функциясини бажаради. Шу сабабдан ҳар қандай топоним инсон фаолиятининг маҳсули, у географик объектнинг номи сифатида ер юзининг маълум бир нуқтасида пайдо бўлган. Республикамизда географик объектларнинг номлари, мазмуни қайта кўриб чиқжойлашган ҳудуд қисмининг географик ёки тарихий номидан ҳосил бўлиши лозим.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўтмиш даврлар даракчиси бўлмиш халқона топонимларнинг аҳамиятига алоҳида диққат қилинган, бу хусусда муҳим фикрлар баён этилган. Муҳтарам президентимиз ўзганларидек, “аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-ҳиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган... Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эскишаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганлигидан, халқимизнинг азалдан ўтрок

ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганлигидан далолат беради”¹.

Мавжуд муаммолар ечимини топиш учун биринчи навбатда соҳа мутахассислари томонидан республикада олиб борилаётган топонимик сиёсатнинг талабларига жавоб берадиган амалий топонимиканинг ягона илмий концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Ягона, илмий - объектив тамойилларнинг йўқлиги географик объектларга ном беришда бир хилликдан қутилиш имконини бермайди ва жой номларининг амалий ва назарий аҳамиятига путур етказиши мумкин.

Охирги йилларда республикада лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосининг жорий қилиниши ушбу муаммонинг долзарблигини янада оширди. Шу сабабдан, ҳар қандай географик объект номи ёзилишининг расмий ва умумий истеъмол учун ягона шаклини аниқлаш ва қатъийлаштириш, яъни географик номларни миллий стандартлаштириш зарур, чунки мамлакат ичида расмий тан олинган номларгина халқаро истеъмол учун тавсия этилиши мумкин. Бошқача айтганда, олиб борилаётган топонимик сиёсатнинг талабларига тўлиқ жавоб берадиган ягона илмий концепция ишлаб чиқилса, мавжуд минтақавий муаммоларнинг ечими анча осонлашади.

Қадимий халқона топонимларнинг бир гуруҳини табиий географик топонимлар ташкил этади. Улар орасида, ўсимликлар дунёсини ўзида мужассамлаштирган, Яккатут, Мингтут, Толқишлоқ, Қатортол, Юлгинзор, Шувоқзор; объектининг жойлашган ўрнига кўра номланган Сойбўйи, Ариқбоши, Ариқбўйи, Булоқбоши, Тегирмонбоши, Каналбўйи; жойнинг рельеф хусусиятини акс эттирувчи Жарқишлоқ, Жарқўрғон, Тепақўрғон, Чуқурқишлоқ, Чуқурмахалла; ернинг тупроқ таркибини акс эттирувчи Қумқишлоқ, Қуммахалла, Шўроқер, Шўрқишлоқ, Шўрмахалла сингари топонимлар тарихий номлар саналиб, булар халқимизнинг ном қўйишдек

¹ Каримов И. Юксак маънавият—енгилмас куч.—Тошкент: “Маънавият”, 2008. 92-бет.

нозик масалаларга алоҳида эътибор билан қараганликларидан далолат беради. Аммо таассуфлар бўлсинки, шўролар даврида халқона номларга умуман эътиборсизлик билан қаралди, миллий рухни акс эттирувчи юзлаб, минглаб табиий-тарихий топонимлар унитилишга маҳкум этилди. Буларнинг ўрнини қандайдир чучмал, маъно ва мазмунсиз номлар эгаллади. Шунинг учун ҳам мавзунини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз жой номларини ўрганишда тилшунос ва географ олимларининг қўшган ҳиссалари ҳам улкандир. Я.Ғ.Ғуломов, Р.Н.Набиев, А.Р.Муҳаммаджонов, Ҳ.Ҳасанов, Ф.Абдуллаев, С.Иброҳимов, Э.Бегматов, А.Ишаев, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Р.Қўнғуров, Б.Ўринбоев, Н.Охунов, Ю.Ахмадалиев каби олимларнинг каби олимларнинг бу соҳадаги ишлари диққатга сазавордир. Олтиариқ топонимларини ўрганишда Н.Охунов Ю.Ахмадалиев каби олимларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади. Фарғона вилояти мисолида жой номларининг шаклланишида минтақанинг табиий-иқтисодий географик хусусиятларини таҳлил қилиш, минтақа аҳоли пунктлари номларини тартибга солиш бўйича илмий - амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Ишда қуйидаги вазифалар белгиланган ва ҳал қилинган.

табиат ва жамият алоқадорлигининг жой номларида акс этишини таҳлил қилиш;

топонимиканинг табиий географик жиҳатларини ўрганиш;

топонимларнинг номланиш қонуниятларини таҳлил этиш;

минтақа аҳоли пунктларининг ҳудудий таркиби ва уларнинг топонимик жиҳатдан ўрганилишини тадқиқ этиш;

вилоят топонимиясини классификациялаш;

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишининг объекти сифатида ўлкамизда мавжуд табиий объектларни акс эттирувчи географик жой номлари олинди. Табиий объектларни акс эттирувчи топонимларнинг маъноси ва изоҳланишини очиқ бериш мавзунинг предметини белгилайди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси бўлиб, тилшунос, тарихчи, географ олимлар томонидан яратилган таълимот ва назариялар ва шунингдек Республикамиз президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган гоялар хизмат қилган. Тадқиқот давомида таккослаш, лингвистик таҳлил абстракт фикрлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий иши таркиби. Ушбу битирув иши таркиби кириш, 2 та бобдан иборат 6 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

1-БОБ. ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ

1.1. Жой номларида табиат ва жамият алоқадорлигининг акс этиши

Географик объектлар канча кўп ва хилма-хил бўлмасин, ҳар бирининг номи бор, уларда содир бўлган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш ўрганиш, таҳлил қилиш ва таққослаш, албатта, халқнинг ижодий маҳсули бўлган жой номларини ўрганишдан бошланиши керак. Чунки, жой номлари географик объектларнинг ўрни, табиий ва иқтисодий-ижтимоий хусусиятларини ҳамда кўпгина бошқа географик тушунчаларни ҳам ўзида мужассам этган бўлади. Ҳ.Ҳасановнинг ибораси билан айтганда: «номлар жойларга шундай мослаб берилганки, маҳаллий аҳолининг заковатига қойил қоласан киши. Янги туғилган чақалоққа от қўйиш осон. Чунки юзлаб тайёр исмлар бор, улардан фақат ўзингизга маъқулини танлаб оласиз. Аммо жой номлари тайёр эмас. Уларни «ўйлаб топиш» керак, исмини жисмига монанд қилиш керак».

Географик объектга айнан шундай ном берилишига асос бўлган сабаб фақат ном берилаётган вақтда зарур, кейинчалик у топоним учун муҳим эмас. Бундай дейишга асос жой номини яратган ва ундан доимо фойдаланадиган халқ учун топоним географик объектларни бир-биридан фарқлаш учун зарур. Ҳар қандай топоним этимологияси аниқ ёки ноаниқлигидан қатъий назар бу вазифасини яхши бажариши мумкин. Кундалик ҳаётида топонимдан тез-тез фойдаланиб турадиган маҳаллий халқ учун жой номининг келиб чиқиши, қандай мазмун ва маънога эга эканлиги унчалик муҳим эмас, натижада баъзан топоним тушунарсиз ёки умуман бошқа маъно касб этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар топонимияда анча кенг тарқалганлиги боис, соҳа мутахассисларининг асосий вазифаларидан бири уларнинг унутилган этимологиясини тиклашдан иборат.

Баъзан нотаниш номлар маҳаллий халқ тилининг грамматик хусусиятларига қараб шаклан ўзгариб тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин. Масалан, Наманган вилоятидаги Поп шаҳри бундан минг йилча олдин битилган

ёзма манбаларда Боб шаклида қайд қилинган. Арабчада боб сўзи “дарвоза” маъносини англатади. Боб сўзи топонимга айлангандан кейин маҳаллий халқ талаффузида Поп шаклини олиб, асл маъносидан узоқлашиб, тушунарсиз бўлиб қолган.

Шуни таъкидлаш жоизки, географик номларни ўрганишда шошқалоқликка йўл қўйиб бўлмайди, чунки топоним бу ҳимоясиз сўз, ундан ҳар қандай маънони сиқиб чиқариш мумкин. Бошқача айтганда, маҳаллий халқ топоним қанча «юкни» ўзида сақлашга қодир эканлигини билиб географик объектларга ном танлаган. Шундай экан, географик номлар жойни бирон хусусиятини, у билан боғлиқ тарихий воқеа-ҳодисани ўзида мужассам этган оддий сўз билан жойнинг иттифоқидир. Бинобарин, жой номлари «ўлик» сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асраётган топилмадир.

Жой номига асос бўлиб хизмат қиладиган белгини танлаш географик муҳит билан боғлиқ эмас, балки уни доимо жамиятнинг ривожланишига туртки бўлган сабаблар орасидан қидириш керак. Географик объектга хос бўлмаган ном ҳам жамиятда мавжуд ва у ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби, тарихий қонуниятларга бўйсунди. Объектларнинг табиий хусусиятларини ифодаладиган географик номлар жамиятнинг дастлабки босқичида кўпроқ бўлган, кейинчалик эса табиатга жамиятнинг таъсирини кучайиши оқибатида улар аста-секин камайиб борган. Масалан, бир вақтлар туяқорин водийси деб ном олган жой, кейинчалик Газли, Нефтхона каби жой номларига эга бўлиши мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ватанимиз ва жаҳон географиясини ўрганишда жой номларига, яъни топонимларга алоҳида эътибор бериш заруратини келтириб чиқарди.

Жумладан, республикаимизнинг мустақилликка эришиб жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини кенгайтириб бориши оқибатида кундалик ахборотлар тизимидан

(айниқса интернет тармоғидан, йўлдошли телевидениядан) юзлаб, хатто минглаб олдин номаълум бўлган ёки кам ишлатилган географик номларни халқимиз ҳаётиги кириб келиши кузатилмоқда. Астана, Давос, Дубай, Кан, Окинава, Тимор каби “янги” жой номларни эшитганимизда беихтиёр яна географияга мурожат қиламиз. Мазкур номларнинг қаерда, қайси давлатда жойлашганлигини картадан билишга ҳаракат қилсак, маъносини, тўғри айтилиши ва ёзилишини, қайси халқлар тилидан олинганлигини топонимик луғатлардан билишга интиламиз.

Истиқлол шарофати билан республикамызда мустақил ҳудудий, географик сиёсат юритила бошланди. Мазкур сиёсатда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Юқорида такидланган қонун ва қарорлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлда “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 120 –сонли махсус қарори қабул қилинган. Бу қарорда “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларни номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12- моддаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли масалалари бўйича қабул қилинган стандартларига мос равишда қишлоқ аҳоли пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва зарур ҳолларда уларни шаҳарчалар тоифасига киритиш бўйича илтимосномалар тақдим этиш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига юклатилди (Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари тўплами –Т., 2005. июль №28-29).

Юқоридаги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13-мартдаги 68-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра Республика бўйича 966 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилди. Жумладан, Фарғона вилоятида 196 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарчага айлантирилди. Натижада Республикамизда урбанизация даражаси 2008 йилдаги 35,8 фоиздан 13 фоизга кўтарилиб 2009 йилда 51,7 фоизни ташкил этган бўлса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 31 фоизга кўпайиб 2009 йилда 58,8 фоизни ташкил этди. Янги ташкил этилган ёки олдиндан мавжуд бўлган шаҳарча ва қишлоқ аҳоли масканларини номланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва туманларнинг географик номлари (163 та туман, 119 та шаҳар, 1080 та шаҳарча ва 10865 дан ортиқ қишлоқ ва овуллар номи) янада чуқурроқ ўрганилиб, география таълими тизимига тортилиши кузатилмоқда. Тўрткўл, Кўнғирот (Қорақалпоғистон Республикаси), Булоқбоши, Хўжаобод, Қўрғонтепа (Андижон вилояти), Дўстлик, Пахтакор, Янгиобод (Жиззах вилояти), Навбахор, Қизилтепа, (Навоий вилояти), Янгиқўрғон, Учқўрғон (Наманган вилояти), Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин (Сирдарё вилояти), Жарқўрғон (Сурхондарё вилояти) Бекобод, Оққўрғон (Тошкент вилояти) Янгиариқ, Янгибозор (Хоразм вилояти) Дехқонобод (Қашқадарё вилояти) каби маъмурий туманларнинг “адаш” номлари биргини Фарғона вилоятида ҳам такрорланиши ушбу соҳани географик ўрганишга алоҳида эътибор ва синчиковлик билан ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Шундай қилиб, жой номларини географиянинг ўзига хос тили деб атасак, ҳозирги даврда бу тилни кенгайтиб, доимо янгиланиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ҳозирги замон география фанининг энг муҳим умумназарий муаммоларидан бири жамият ва табиат ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик масаласидир. Табиат билан жамиятнинг алоқадорлиги масаласи географияни ягона фан сифатида бирлаштиради, айтиш мумкин вақтда табиат ва жамият ўрганиш объекти сифатида географияни табиий ва ижтимоий-иқтисодий географияга, яъни икки асосий тармоққа ажратишга

ҳам сабаб бўлади. Табиат билан ҷамиятнинг алоқадорлиги тўғрисида гапирганда табиат терминини тор маънода, яъни географик муҳитнинг синоними сифатида қўллашга тўғри келади, чунки географик муҳит бу - табиатнинг ҷамият билан ўзаро алоқада бўлган қисмидир.

Шу сабабдан, ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиатнинг ҷамиятни ўраб олган ва кишиларнинг ҳаётига бевосита таъсир этиб турадиган қисми ҳисобланган табиий муҳитни кўпроқ ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Натижада ҷамият билан табиий муҳит ўртасида доимий алоқа ва ўзаро таъсир рўй бериб туради, бу эса, ўз навбатида, географик муҳитнинг таркиби ва ҳажмининг кенгайишига олиб келади. Эндиликда, фан-техниканинг жадал ривожланиши, аҳоли сонининг кескин даражада ўсиб бориши, инсоннинг табиатдан узликсиз фойдаланиши ҷамият билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Топонимларнинг тарихан пайдо бўлиши ҳамда узоқ вақт давомида ўзгармасдан қўлланиб келишининг ўзига шартлари мавжуд. Бундай шартларнинг асосийси ҳар қандай объектга ном беришда унинг географик хусусиятларини эътиборга олишдир. Бундай хусусиятлар жумласида объектнинг географик ўрни, жойнинг рельефи, иқлими, сувлари, тупроқ қоплами, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан тенг асосда ишлаб чиқариш ва аҳоли кўрсаткичлари киради. Юқоридаги хусусиятлар объектнинг сиёсий-тарихий ва антропо-этнологик хусусиятларига нисбатан кам ўзгарувчанлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирига тушмаслиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам объектга ном беришда географик қонуният ва тамойилларга амал қилиш бу номнинг узоқ вақт ўзгартирилмасдан ишлатиб келинишига олиб келади. Бугунги кунда бу қонуният ва тамойилларни пухта ўзлаштириш қишлоқ, маҳалла ва кўчаларга ном бериш ва уларни қайта номлашда фойдалидир.

Жой номлари пайдо бўлишида биринчи ва энг кенг тарқалган тамойил аҳоли маскани жойлашган ҳудуднинг юқорида такидланган географик

хусусиятларини ифодаловчи термин ва ибораларнинг эътиборга олинishiдир. Бунда жойнинг хусусиятининг акс эттирувчи умумий географик тушунча ҳамда ибораларнинг **конкретлашуви ва индивидуаллашуви** қонунияти юз беради. Масалан, “жар” сўзи табиий географик термин сифатида “ўйилган, салбий рельефга эга бўлган жой” маъносини билдирувчи турдош от бўлса, унинг муайян бир объектга боғланиши натижасида топоним ясалади. Вилоятдаги Аноржар, Жарариқ, Жарбоши, Жарқишлоқ, Жарқўрғон, Оқжар каби жой номлари ушбу қонуният асосида вужудга келган. Шунингдек, рельефни акс эттирувчи, сувликни ифодаловчи географик объектлар ҳам аҳоли маскани жойлашга ҳудуднинг ўзига хос (индивидуал) белгиси сифатида олиниб жой номлари ясалади, Адирболо, Тепатаги, Қизилтоғ, Ариқбўйи, Булоқбоши, Сойбўйи каби. Жойнинг нафақат табиий географик балки иқтисодий ва ижтимоий географик ўзига хослигини ифодаловчи атамаларни ҳам жой номларига айланиши кўп кузатилади, Ўрдатаги, Бозорбоши, Тегирмонбоши,Тандирчи каби.

Шу ўринда Фарғона, Марғилон, Қўқон, Олтиариқ каби номлар этимологиясида ҳам жойнинг табиий географик хусусиятини билдирувчи изоҳлар асосий ўринни эгаллашини таъкидлаш мумкин. Топонимларга ном беришда, яъни топоним ясашда **нисбий негативлик** деб аталган географик қонуниятдан ҳам фойдаланилади. Бу қонуниятга кўра бирор жойга ном беришда шу ҳудуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини белги (мўлжал) сифатида тортадиган табиий ва ижтимоий объектлар танлаб олинади. Масалан, чўл зонасида чўл, тоғли ҳудудларда тоғ, пахта кўп экиладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди. Шунинг учун кишилар юқоридаги каби жойларга ном қўйишда бошқалардан қандайдир хусусияти билан фарқ қилиб турган географик объектларни кидиришади. Фарғона вилоятининг текис чўлли ҳудудларида тепалик ёки сув бор жойлар кишилар эътиборини тортади. Юқорида

таъкидланганидек, вилоятнинг рельефи текислик бўлган ҳудудларида тепа сўзи қатнашган ўттиздан ортиқ жой номлари қайд этилиши мазкур қонуният натижасидир. Географик номлар таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тааллуқли жой номлари ҳам бор. Бундай топонимларнинг пайдо бўлиши кўпинча ҳудуднинг табиий шароити билан ҳам боғлиқ, деҳқончиликнинг қайси турини ривожлантириш учун яхши имконият бўлса у жой номига асос бўлган, яъни пахта етиштириш учун қулай шароит бўлган жойларда **Пахтакор, Пахтачи, Пахтазор**, ғалла яхши ҳосил берадиган ҳудудларда **Ғаллакор, Бугдойчи, Ғаллаорол, Лалмикор, Шоликор** каби географик номлар ҳам шу йўсинда пайдо бўлган. Бундан ташқари республика топонимияси таркибида **Кўмирчи, Носгар, Сангтарош, Буйрачи, Оҳакчи, Ўроқчи, Сомсапаз, Эгарчи, Тошкесар, Карнайчи** ва яна юзлаб топонимларда маҳаллий халқнинг ўтмишда шуғулланиб келган турли касб-хунарлари ўз аксини топган.

Халқнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган, турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган қурилмалар асосида ҳам жой номлари пайдо бўлган. Мазкур қурилмалар номлари кейинчалик аҳоли пункти номларига ўтган, бунга **Обжувоз, Тегирмонбоши, Сариосиё, Галаосиё, қўштегирмон, Тагиосиё, Тегирмоновул, қўшжувоз** каби топонимлар мисол бўлади. Савдо-сотиқ қилинадиган жой бўлган бозор ҳам азалдан маҳаллий халқнинг турмуш тарзида катта мавқега эга бўлган. **Бозоржой, Янгибозор, Кўҳнабозор, Сарбозор** ёки маълум бир маҳсулотни сотишга ихтисослашган **Бедабозор, Эгарбозор, Ёғбозор, Ходабозор, Товуқбозор, Буйрабозор** каби топонимлар шу йўсинда вужудга келган. Баъзан бозор бўладиган кунга қараб қишлоқларга ном ҳам беришган **Жума, Чоршанба, Пайшанба, Душанба** каби аҳоли пунктлари номлари шу тариқа пайдо бўлган.

Баъзан авваллари диққатни жалб қилмаган жойлар кейинчалик аҳамият касб этган. Шу сабабдан жой номларини муайян ҳудудда ажралган ҳолда

эмас, балки ўша ҳудуд билан, у ердаги табиий ҳамда ижтимоий - иқтисодий шароитлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Мутахассисларнинг аниқлашича, Ўзбекистонда тахминан ўн уч минг аҳоли пункти мавжуд, уларнинг номларида ўлка табиатининг хусусиятлари, жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса-воқеалар, аҳолининг касб-ҳунарлари номлари ва бошқа кабилар ўз аксини топган. Келажакда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиши, халқаро алоқаларнинг ривожланиши, янги ерларнинг ўзлаштириши халқлар ҳаётида уларнинг роли ва аҳамиятини янада оширади. Жой номлари аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлганлиги сабабли табиат ва жамиятда бўлаётган ўзгаришлар уларга таъсир қилмасдан қолмайди, тарихий давр, тил ва халқларнинг алмашиши географик муҳитнинг ўзгаришига олиб келиши аниқ.

Сув билан боғлиқ топонимларни номлашда ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларига яъни сони, шакли, чуқурлиги кабиларга эътибор қаратилади. Таркибида, анҳор, қақир, ариқ, булок, жўй, кўл, машат, об, сой, қудуқ иборалари мавжуд номлар вилоятда кўп тарқалган. Бешариқ, Олтиариқ, Оқариқ, Совурбулок, Тошбулок, Қайнарбулок, Қиёқбулок, Болтакўл, Дамкўл, Қувасой шулар жумласидандир. Чор-атроф чўл ёки пахта майдонлари билан қопланган ҳудудларда дарахтлар ҳам кишилар диққатини тортиши шубҳасиз, вилоятда Беҳизор, Бодомзор, Дўланазор, Қайрағочзор, Мевазор, Нокзор, Олмазор, Олчазор, Теракзор, Токзор, Толзор, Тутзор, Узумзор, Ўрикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор каби қишлоқ ва маҳаллалар номи ҳам мазкур қонуният асосида яратилган.

Вилоятда кенг тарқалган ўсимлик ва ҳайвонот олами номлар ҳам жойнинг ўзига хос хусусияти сифатида анчагина учрайди, жумладан, Бештерақ, Жийдақишлоқ, Каптархона, Мингчинор, Теракмозор, Толмозор, Чекшўра, Яккатут, Қайроғоч, Қоражийда, Балиқчи, Бўрбалиқ, Лайлакуя, Қоплонқир каби. Бироқ бу номларни ҳам ҳар доим ўз маъносида тушуниш

тўғри бўлавермайди. Чунки бу номлар кўчма маънода ишлатилган бўлиши, уруғ ёки қабила номини англатиши мумкин.

Аҳоли масканларини шу ерда яшаган уруғ-қабила, элат номи билан аташ кенг тарқалган. Вилоятдаги топонимлар орасида уруғ-қабила номларини билдирувчи Айрончи, Бешбола, Бешкапа, Бўжай, Дўрман, Жалоир, Галаботир, Кенагас, Минг, Найман, Қангли Уйғур, Қашқар, Қурама, Қўнғирот каби номлар кўп такрорланади. Баъзан топоним таркибидаги бир элемент этноним бўлиши кузатилади. Арабон, Араббанд, Араблар, Арабмозор, Арабхона, Арабқишлоқ, Арабқўрғонча, Аравон, Янги Араб, Эски Араб, Арабтўпи, Араб маҳалла каби қишлоқлар номи араб халқи номи билан боғлиқдир.

Маҳалла ва кўчаларга ном беришда амал қилинадиган навбатдаги тамойил кўча ёки маҳаллада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ва савдо объектларининг жойнинг ўзига хос хусусияти сифатида танлаб олинишидир. Вилоятда тўқувчилик (Астарбоф, Бахмалбоф, Йўрмадўз) хунармандчилик (Кулолон, Косагарон, Кўнчи, Пичокчи, Тандирчи, Ўқчи), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи маҳаллий саноат тармоқлари (Тўпжувоз Хумдон, Кўштегирмон) номи билан аталувчи ҳамда савдога алоқадор (Бозорбоши, Ёғбозори, Сарбозорча, Янгибозор) номлар кўп учраган. Бундай номларни манзилгохни кўрсатишдан ташқари даракчилик (индикаторлик) вазифасини ҳам бажаришини ҳисобга олиб, жойларга ном бериш жараёнида кўпроқ масканларга тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги йилларда олиб борилган географик тадқиқотларда номларнинг экологик функциясига эътибор қаратилмакда. Қўйилган ном шу жойни, маҳалла ёки кўчани, ариқ ёки сойни, тоғ ёки тепаликни илохийлаштириб у ердаги табиат компонентларини муҳофаза қилишга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, аҳоли масканларда сокин ва осойишта муҳитни яратишга ёрдаб беради. Бундай диний-ҳуқуқий муҳофаза усулини қўллаб она табиатни асрашга ўлкамизда шаклланган

юксак этноэкологик маданият сифатида қаралмоғи лозим. Топонимлар таркибида “азиз”, “бобо”, ”гўр”, “мозор”, “ота”, “пир” сўзларидан бирининг қўлланиши асосида яратилган топонимлар манзилни кўрсатиб беришдан ташқари экологик вазифани ҳам бажаради. Азизтепа (Қўқон шаҳри), Сўфиазиз (Бувайда тумани), Бобокалон (Сўх тумани), Гарбобо (Тошлоқ тумани), Кармбобо (Бағдод тумани), Умматбобо (Бешариқ тумани), Хўжа Абутуроббобо (Данғара тумани), Фозилбобо (Риштон тумани), Қулбобо (Фурқат тумани), Қораёзбобо (Ўзбекистон тумани), Гўраввал (Марғилон шаҳри), Гўртепа (Фурқат тумани), Арабмозор (Тошлоқ тумани), Бувимозор (Бувайда тумани), Ёрмозор, Теракмозор (Фарғона шаҳри), Кўкмозор, Сармозор (Марғилон шаҳри), Мозорбоши, Толмозор (Қува тумани), Мозортаги, Хизирмозор (Фарғона тумани), Алиназар ота, Ялонғоч ота (Қўқон шаҳри), Ҳожиота (Тошлоқ тумани), Шокирота, Мустафокулота, Фозилбобо (Риштон тумани) Бостонбува, Пошшопирим (Бувайда тумани), Пир Сиддиқ (Марғилон шаҳри) кабилар.

Аҳоли масканлари номлари орасида жуда қатта қисмни ғоявий-сиёсий номлар ташкил этса ҳам географик тамойиллар асосида яратилган топонимлар бир қанча афзалликларга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Биринчидан, бу номлар жамиятда тез тез ўзгартирилмайди, узок вақт сақланиб туради, маблағларнинг тежалишига сабаб бўлади; иккинчидан, жойнинг ҳозирги кунда ўзгариб, унутилиб кетган табиий ва иқтисодий географик хусусиятлари, дастлабки ландшафти ҳақида қимматли маълумот беради; учинчидан, жой номларининг бош вазифаси, манзилни аниқлаб бериш функциясини тўла бажаришга имкон яратади, сабаби номлашда кўча ёки маҳалладаги асосий, ўзига хос табиий ёки иқтисодий-ижтимоий объектга мўлжал олиниб, топонимни даракчилик хусусияти намоён этилади.

1.2. Топонимларнинг тарихий ва лингвистик асослари.

Атрофимизни ўраб турган денгиз, дарё, кўл, канал, сув омбори, тоғ, адир, ғор ёки чўл, шаҳар, қишлоқ ёки улардаги кўча, майдон, маҳалла каби барча географик объектлар ўз номига эга. Мазкур географик номлар-топоним деб аталиб, уларнинг маълум географик ҳудуддаги йиғиндиси топонимия дейилади. Географик номларнинг пайдо бўлиши ёки яратилиш қонуниятларини, ривожланиши ва қайта номланишини, этимологияси ва грамматик хусусиятларини, тузилиши, аталиш сабабларини ўрганувчи фан – топонимика деб аталади. Географик номлар яъни топонимларни тилшуносликнинг алоҳида бўлими ономастика (грекча “ном кўйиш санъати”) бошқа атоқли отлар - кишилар исми, осмон жисмлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг номлари билан биргаликда ўрганади.

Топонимика фанининг асосий йўналишларини белгилашда жой номларининг қандай географик объектларга берилганлиги асос қилиб олинган. Бу ҳолат топонимиканинг география фанлари тизимида мустақкам, алоҳида ўрин эгаллашини кўрсатади.

Топонимиканинг энг катта тармоғи аҳоли масканлари номларини ўрганувчи соҳа – *ойконимика* (юнонча, ойкос – уй, турар жой, макон) деб аталади. Ойконимлар таркибига шаҳар, қишлоқ, шаҳарча, овул, маҳалла, гузар, кўчалар кириб, жой номлари орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган гуруҳни ташкил этади. Бу номлар жойнинг табиий ва иқтисодий географик шароити, фойдали қазилмалари, аҳолисининг миллий-этник таркиби, касб-хунари, тарихда юз берган муҳим воқеа ва ҳодисалар ҳақда батафсил маълумот беради. Ушбу гуруҳга кирувчи топонимлар таркибида кишиларнинг исм-фамилияси, жамиятнинг ғоявий қарашлари билан боғлиқ бўлган топонимлар кўп учрайди. Фарғона вилоятида ўрганиб чиқилган 943 та қишлоқ ва маҳалла номларининг 12 фоизи кишилар номи билан аталган *антропоойконимлардир*.

Вилоят ва туманларда тузилган топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия, унинг қошидаги ишчи гуруҳлар ҳам асосан ойконимлар, уларнинг номланиш хусусиятлари, номлар этимологияси, номлаш ва қайта номлаш масалалари билан шуғулланади.

Дунёдаги сувлик билан боғлиқ бўлган географик объектлар- гидроним (юнонча, гидро – сув, намлик ва оним -ном, исм) деб аталади. Табиий ҳолдаги ва инсон қўли билан яратилган ҳар қандай сув ҳавзалари, жумладан, океанлар, денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлар, дарёлар, сойлар, каналлар, кўллар, сув омборлар, қудуқлар, булоқларга қўйилган атоқли отлар гидронимлардир. Гидронимларнинг вужудга келиши, қайта ўзгариши ва бошқа объектларга берилиш қонуниятларини ўрганувчи топонимика фаниниг тармоғи *Гидронимика* деб юритилади. Бу фаннинг оқар сув объектлари яъни дарё, сой, ирмоқ, жилға, ариқ, канал номларини ўрганувчи тармоғи- *потамоним* (юнонча потамас –дарё), кўл, сув омбор, ҳовуз ва қудуқ каби оқмас сув ҳавзаларининг ўрганувчи тармоғи –*лимноним* (юнонча, лимне - кўл), денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлар билан боғлиқ номларни ўрганувчи соҳа эса *пелагоним* (юнонча, пелагос - денгиз) деб номланади.

Фарғона вилояти топонимиясида сувга алоқадор бўлган жой номлари кенг тарқалган. Вилоятдаги мавжуд ўн олти та маъмурий туманлардан бештаси *Беширик*, *Олтирик*, *Сўх*, *Учкўприк*, *Қувасой* кабилар гидронимлардан олинганлигини қайд этиш мумкин. Ер юзасида рельефга оид бўлган жой номлари мажмуаси *ороним* (юнонча, орос - тоғ, онима - ном, исм) деб аталади. Топонимикада оронимларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган кичик соҳа *оронимика* деб юритилади. Бундан ташқари вилоятда адир, жар, тепа, тоғ, тош атамалари қатнашган жой номлари кенг тарқалган. Энг кўп учрайдиган термин *тепа* вилоят топонимлари орасида ўттиз марта такрорланади. Жумладан, *Азизтепа*, *Арабтепа*, *Арзиктепа*, *Гўртепа*, *Зиндонтепа*, *Қитконтепа*, *Оқтепасой*, *Симтепа*, *Собиртепа*, *Сочтепа* (*Чочтепа*), *Тепалик*, *Тепатаги*, *Тепа Жалоер*,

Тиллотена, Тоштена, Тошлоқтена, Шаҳартена, Шўртена, Қизилтена, Қоратена, Қоровултена, Қумтена каби. Топонимлар турли хил катталиқдаги географик объектлар номларини ўзида мужассамлаштиради. Шу хусусиятга кўра улар макротопонимлар (макро –катта) ва микротопонимларга (микро - кичик) бўлинади.

Макротопонимларга йирик географик объектлар- океан ва денгизлар, қитъалар ва материклар, дарёлар ва тоғлар, мамлакатлар ва ўлкалар ҳамда шаҳарларнинг номлари киради. Дунёнинг табиий ва сиёсий харитасига киритилиши мумкин бўлган юқоридаги объектлар қаторига Атлантика ёки Тинч океани, Орол ёки Қора денгизи, Европа ёки Осиё қитъалари, Амударё ёки Сирдарё, Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, Тошкент ёки Фарғона шаҳарлари киритилиши мумкин. Тарихий даврларда қадимийлиги, узоқ вақт сақланиб қолиши ва кам ўзгариши макротопонимларга хос бўлган асосий хусусиятлардан биридир.

Микротопонимлар ўзида жар, тепалик, қир, булоқ, қудуқ, ҳовуз, жилға, сой, ариқ, дала, дашт, ўтлоқ маҳалла, гузар, кўча сингари майда географик объект номларининг атоқли отларини ўзида мужассамлаштиради (Н.Охунов 1989). Фарғона вилоятида бундай номлар қаторига *Гузар, Гулҳовуз, Даштмаҳалла, Жарариқ, Жийдаариқ, Жуманқудуқ, Молҳовуз, Оқтена, Пасткўча, Совурбулоқ, Тошлоқдала, Қизилқақир, Қоратена, Қумбулоқ, Қурқсой, Қумариқ, Юқори Арча, Юқоримаҳалла, Юқорикўча* номларни киритиш мумкин. Микротопонимлар тилда узлуксиз пайдо бўлиши ва тез- тез алмашиб, ўзгариб туриши билан макротопонимлардан фарқ қилади.

Фарғона водийсидаги географик номлар тўғрисида энг қадимги маълумотлар милоддан аввалги даврлардан маълум бўлсада, дастлабки ёзма манба сифатида номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Худуд ал-олам» (X аср) асарини келтириш мумкин. Бу асарда Фарғона водийсидаги

Фарғона, Ахсикент, Сўх, Қубо (Қува), Ўш, Ўзганд каби аҳоли масканлари ҳақдаги дастлабки маълумотлар берилган.

Араб географи ва сайёҳи Муқаддасий (Шамсиддин Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад) Фарғона водийси топонимикаси ҳақда тўлиқроқ маълумот берган. Муқаддасий маълумотларига кўра, Фарғонада *Ахсикат, Ўзганд, Ўш, Қубо (Қува), Марғинон, Риштон, Косон, Боб (Поп), Ашт, Аввал, Андуқон (Андижон), Хуқанд (Қўқон)* каби 40 та шаҳар ҳамда жоме масжидли қишлоқларни санаб ўтади.

Абу Райҳон Беруний жой номлари тарихининг тўғри ёзилишига астойдил қизиққан. Унинг “Ҳиндистон”, “Қонуни Маъсудий”, “Сайдана” асарларида топонимикага оид қонуниятлар, Ўрта Осиёдаги жой номлари ва уларнинг изоҳи ҳақдаги кўплаб маълумотлар баён этилган. “Юнонлар ва араблар туркий сўзларни бузиб ўз талаффузларига мослаб ишлатганликлари дастидан сўзларнинг маънолари ўзгариб кетган”, - деб ёзади Беруний. Тош сўзи (асли) туркийча ном бўлиб, Шош кўринишини олган. Тошқанд - Тошлоқ қишлоқ демакдир деб таърифлайди. Беруний ўзининг “Сайдана” асарида 400 дан ортиқ қишлоқ, тоғ, дарё, шаҳар ва ороллар номини, “Қонуни Маъсудий” китобида 600 дан ортиқ жой номларини тилга олган. Шундан 85 таси Ўрта Осиё ва Хуросон ҳудудига тегишлидир.

Машҳур тилшунос ва сайёҳ олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғати турк» асари ҳам жой номларини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Асарга илова қилинган дунё картасидаги юзга яқин номлардан ташқари, матинда 82 та қишлоқ ва шаҳар номи, 68 та мамлакат, вилоят, ўлка номлари, 25та денгиз, кўл, дарё, сой номлари келтирилган, уларга географик ва этимологик изоҳлар берилган. Фарғона водийсининг *Хўжанд, Қубо, Косон, Марғилон* шаҳарлари ҳақда маълумот берилиши билан бирга, уруғ-қабилалар номлари ва географияга оид турли хил халқ атамаларининг топонимлар таркибидаги ишлатилиши ҳақда қимматли маълумотлар берилган. Водий рельефи ва табиий шароити учун хос бўлган орт, сирт, ёр, қайир, довон, ёз-

ёзи, дашт, балиқ, шаҳар каби атамалар биринчи марта «Девони луғати турк» асарида қайд этилган. «Жар» сўзининг «ёр», «яр» шаклида талаффуз этилишидан Фарғона водийсида *Ёрбоши*, *Ёртепа*, *Ёрқтой*, *Ёрқин*, *Ёрқишлоқ*, *Ёрқўрғон*, *Оқёр*, *Куйганёр*, *Кўкёр*, *Ёртаги*, *Ёркўча* каби жойлари вужудга келганлиги мазкур асарда биринчи мартда таъкидланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ҳам топонимика фанини шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга. “Бобурнома” да XV-XVI асрларда Фарғона водийсидаги жой номлари, уларнинг ўша даврдаги талаффузи ва ёзилиши берилган. Масалан, Марғинон - Марғилон, Ўзганд - Ўзган, Қубо - Қува, Хўкон - Қўқон, Рушдон - Риштон, Сайхун - Хўжанд суйи ёки Сир суйи - Сирдарё ва ҳоказо. Асарда тилга олган кўплаб географик атамалар топонимларнинг келиб чиқишини аниқлашда ва ўзбекча миллий терминологияни ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга. Масалан: банд - тўғон ёки “бекат”, жазоир - орол, жангал - ўрмон, қўл - дарё тармоғи, танги – тор, дара қуруқ ёки сувсиз қўл - сойлик, парча тоғ - қолдиқ тоғ, тағоб - ўзан, тўқай - дарё муюлиши, ушоқ тоғлар - паст тоғлар, яйлоқ - яйлов, обгир - ботқоқлик, қасаба - шаҳарча, пушта - тепалик, кўрук - кўрикхона, учма - тик ёнбағир, ёз - баҳор, ёзи - дала, обшор – шаршара ва бошқалар.

Н.Охунов “Бобурнома”да учрайдиган жой номларини турли гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкинлигини таъкидлайди. Аҳоли масканлари номларини билдирувчи топонимлар сифатида мамлакатлар, шаҳарлар, сарой ва кўшклар, қалъа ва кўрғонлар номлари, оронимлар сифатида тоғ, дара, довон, ғор номлари, гидронимлардан дарё, сой, қўл, булоқ, чашма, ҳовуз, ариғ номлари келтирилганлиги диққатга сазовордир.

Ўзбекистон, жумладан Фарғона водийси топонимикасига оид дастлабки асарлардан бири С.Қораевнинг таъкидлашича венгриялик олим Арминий Вамберининг (1832-1913) Ўрта Осиёга махфий саёҳати маҳсули бўлмиш “Марказий Осиёнинг географик номлари” (немис тилида) деб аталган асаридир. Асарнинг луғат қисмида 600 га яқин географик ном ва

атамалар алифбо тартибида берилган. С.Қораев географик номлар изоҳларида хатоликлар ҳам учрайди деб, Андижон - онт, қасам ва жон, жондай иноқлик, деган маънони билдиради деган изоҳларга шубҳа билдиради. Бироқ бизнинг тадқиқотларимиз бу изоҳ ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Чунки Андижон атрофида, ўз даврида характерли бўлган ўғил болаларнинг дўст тутиниши яъни «анди» бўлиш одати бўлган. Бу одат бўйича бир-бирларига совға-салом бериб дўст тутинган ўғил болалар қариндошлардан ҳам яқин бўлиб, бир-жону бир тан ҳисобланганлар. Бундай дўстлар ўлим хавф солиб турганда ҳам дўстини қутқаришга қасам, онт ичиши лозим бўлган. У ерда яшаган аҳолининг оилавий алоқаларида бошқалардан ажралиб турган белгиси -бу ўғил болаларнинг «анди» бўлиб дўст тутиниш одати бўлган. Топоним шу одатдан олинган бўлиши мумкин.

Маълум ҳудуд тарихига оид баъзи маълумотлар ойконимларда яхши сақланиб қолади. Аҳолининг ўтмишдаги этник таркиби-қайси уруғ, қабила, қавм, тоифага мансублиги, иқтисодий турмуш шароити—қандай касб-ҳунар билан шуғулланганлигини ифодаловчи ойконимлар фикримизга далил бўла олади. Найман, Жалойир, Дўрмон, Манғит, Кенагас, Хитой, Қипчоқ, Қалмоқ, Минглар, Юзлар, Қирқлар, Эшонқишлоқ, Хўжақишлоқ, Эшонтўпи, Чиннигарон, Пичоқчи, Носгар, Қоғозгор, Мисгарлик, Эгарчилик, Йўрмадўз, Кўнчилик, Ўқчи сингарилар шундай номлар жумласига кирази. Бундан фарқли равишда топонимларнинг бошқа турларида, чунончи, гидронимлар ва оронимларда этник номлардан, касб-ҳунарни билдирувчи сўзлардан ясалган топонимлар ниҳоятда кам учрайди.

Топонимлар пайдо бўлишининг умумий лингвистик қонуниятларини С.Қораев (2006) батафсил тушунтириб беради. Топонимлар атоқли отлар бўлиб, улар тил тараққиётининг қиёсан кейинги босқичларида турдош отлар (апеллятивлар)дан келиб чиққан. Қадимий тилларда атоқли отлар бўлмаган, қандайдир сўз бирикмалари атоқли отлар вазифасини бажарган. Ана шундай сўз бирикмалари тобора турғун шакл олади. Одамлар теварак-атрофидаги

ўзларига таниш ҳудуддаги жойларни "Балиқ тутиладиган кўл", "Сел келадиган сойлик" каби бутун бир гаплардан иборат бирикмалар билан атайдилар. Конкрет географик объектларни ифодалайдиган бундай сўз бирикмалари ва турдош отлар кўп бўлмаганидан бора-бора атоқли отларга айланади. Географик номларнинг пайдо бўлиши умумий тушунчанинг конкретлашиши ва индивидуаллашиши натижасида юз беради. Турдош отлар ана шу йўл билан топонимлашади, яъни топонимларга айланади.

Географик терминлар турдош отлар лексикасидан ажралиб чиққан пайтдан бошлаб ўзи ифодалаган географик объектнинг белгиларидан узоқлаша боради. Топонимлар нутқда шу объектнинг бошқалардан фарқли нишонларини таъкидлашга эмас, балки конкрет объектни бошқалардан ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. Топонимга айланган сўз янги маъно касб этади, энди бу сўз конкрет, ягона, янги бир тушунчага айланади.

Географик номлар кўпинча географик объектни ифодалайдиган тушунчадан бошқа маъно англатмай қўяди. Масалан, Лангар - Охунбобоев туманидаги қишлоқ номи. Ўзбек тилида лангар деганда кемани бир жойда тўхтаб туриши учун занжирга бириктириб сувга ташланадиган чангаксимон темир ёки мувозанатни сақлаш учун дорвоз қўлида тутиб турадиган таёк тушунилади. Лангар топоними эса Марказий Осиёдаги жой номлари таркибида кўп учрайди. Бу сўзнинг асл маъноси «тўхташ» бўлган ва турли жойларда, замонларда шунга яқин маъноларни билдирган. Қадимги ёзма манбаларда ва кейинги топонимик номлар таркибида «бекат ва тўхташ жойи» маъносида ишлатилган. С.Қораев (2005) шундай ҳолатни Чоршанба қишлоғи ҳақда келтиради. Чоршанба қишлоғининг нега шундай аталганлиги тўғрисида кўпчилик ўйламайди, унинг қаерда, қайси туманда, қандай қишлоқ эканлиги қизиқроқ. Бу қишлоқда чоршанба куни бозор бўлганлиги учун шундай номланганлигини кўпчилик билмайди ҳам. Сўзнинг одатдаги маъносидан узоқлашиши ва муайян объект билан боғлиқ аниқ, индивидуал тасаввурнинг пайдо бўлиши топонимлашиш жараёни ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати билан кўпчилик географик номлар давр талабини акс эттирадиган, халқона, оддий, содда ҳамма учун тушунарли бўлган номлар билан алмаштирилди ёки уларнинг тарихий номлари қайта тикланди. Хуллас, вилоят жой номлари бир неча давр маҳсули бўлиб ҳар бир даврнинг ўзига хос топонимлари мавжуд. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки, даврлар орасидаги чегаралар шартли бўлиб, стратиграфик қатламлар орасида узвий боғлиқлик мавжудлиги сабабли уларни аниқ белгилаб бўлмайди, янги қатлам аввалгисини тўлдирса, эскиси янги қатламга ўз таъсирини ўтказган.

1.3.Топонимларнинг географик таснифлашнинг илмий асослари

Географик номларни классификациялашда олимлар орасида муштарак қараш мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳозирга қадар ягона, универсал, содда ва мантиқан тўғри классификация яратилмаган. Э.М.Мурзаев бу масалага эътибор қаратиб шундай деб ёзган: «Ҳар қандай давлат ёки ҳудудий бирликлар мураккаб, кўпқатламли тирик ва ўзгарувчан топонимия системасига эга бўлганлиги сабабли ҳар қандай талабга жавоб берадиган, ягона географик номлар классификациясини яратиш анча қийин ва ҳаттоки имкони йўқ масала».

Шу вақтга қадар топонимларнинг классификациялаш масалалари асосан тилшунослик нуқтаи-назаридан Ш.Қодированинг «Тошкент микротопонимиясининг номланиш принципларига доир»(1966), С.қораевнинг «Географик номлар маъноси» (1978), З.Дўсимовнинг «Топонимлар таснифи масаласига доир» (1978), Н.Охуновнинг «Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари»(1989), К.Назаров ва Т.Эназаровларнинг «Жой номларини йиғиш сўроқлиги» (1995) каби асарларида қисман кўриб чиқилган.

Масалан, З.Дўсимов «Топонимлар таснифи масаласига доир» мақоласида классификациялаш асосан икки йўналишда, яъни топонимларни лексик-семантик ва граматик тузилишига кўра амалга оширишни мақсадга мувофиқ

деб ҳисоблаган. Олимнинг фикрича, татқиқотчи ўз олдига қўйган мақсади ва татқиқот йўналишига қараб топонимларни классификациялаши энг мақбул усулдир.

Географлардан илк бор, профессор Ҳ.Ҳасанов топонимларни «турларга ажратишда ҳар бир номни биринчи навбатда тил қоидалари нуқтаи назаридан ва шаклланиш босқичларига кўра таҳлил қилиш ўринли бўлур эди», деган фикрни баён қилган. Олим жой номларни бунёдга келишига қараб, шартли равишда қуйидаги турларга бўлиб кўрсатган: Жойнинг ҳолати, хосияти, ер юзаси ва иқлимига боғлиқ номлар; Гидронимлар; Ўсимлик ва ҳайвонларга боғлиқ номлар; Фойдали қазилмаларга боғлиқ номлар;

Хунар касбдан ва маъмуриятдан олинган номлар; Халқ, қабила ва уруғларга боғлиқ номлар; Шахсларнинг исм-фамилияларига қўйилган номлар; Афсонавий ва диний номлар; Ғаройиб номлар; Янги замон номлари. Географик номларнинг ягона ҳаммабоп классификациясини яратишнинг душворлиги топонимика тилшунослик, тарих ва география оралиғидаги фан эканлигида бўлиши мумкин. Балки, шу боисдан ҳозиргача топонимларнинг ягона классификацияси яратилмаган, мавжудлари ҳам баъзан тилшунос топонимистларни қаноатлантирса, қолган тарихчи ва географларнинг эътирозига сабаб бўлади ёки аксинча, географ топонимистларга маъқул бўлса ҳам тилшунос топонимист ёки тарихчи топонимистларнинг эътирозларига сабаб бўлиши мумкин. Келажакда топонимика мустақил фан сифатида тўлиқ шакллангандан кейин топонимист олимлар томонидан жой номларининг универсал классификацияси яратилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Топонимларнинг универсал классификациясини яратиш учун чуқур илмий изланишлар кераклигини В.А.Никонов, А.В. Суперанская каби олимлар ҳам таъкидлашган. Албатта, ҳар қандай классификациялашда ҳам муайян нуқсонлар бўлиши табиий, зеро академик В.В.Бартольд айтганидек, «ҳар бир тадқиқотчи олдингилар илғамай қолган ниманидир аниқлайди, шу билан бирга ҳар бир янгича талқин шубҳасиз хатолар сонини ҳам кўпайтиради. Ким кўпроқ

тўғри талқин қилгану, ким ҳаммадан кўп хатога йўл қўйган, деган масала ечимини бемалол келажакка қўйиб бериш керак».

Назаримизда, профессор Э.М.Мурзаевнинг классификацияси, яъни географик объектларнинг номланишига қараб классификациялаш энг оддий ва географ топонимистлар нуқтаи назаридан қиёсан энг мақбул усул ҳисобланади. Биз, вилоят топонимиясининг айрим ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги географик номларнинг семантик классификациясини таклиф этамиз ва у ҳам камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмаслиги мумкин.

1). **Оронимлар** - рельеф шакллари ва элементлари: *тоғлар, чўққилар, тепалик, плато, дўнглик, водий, дара, жарлик, пастлик, пастекислик, қумликлар* ва бошқаларнинг номлари.

2). **Гидронимлар** - барча сув объектларининг номлари: *денгиз, қўл, дарё, сой, жилга, булоқ, сув омбори, канал, қудуқ* ва бошқаларнинг номлари.

3). **Ойконимлар** - барча аҳоли пунктлари: *шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул, маҳалла* ва бошқаларнинг номлари.

Таклиф қилинаётган классификациянинг камчилик томонлари ҳам бор. Масалан, кўпчилик ҳолларда дарё ва сой, ҳовуз, қудуқ номлари ҳеч қандай ўзгаришсиз аҳоли пункти номига ўтиши мумкин **Осмонсой, Ҳовузбулоқ, Гумсой, Кориз, Эгизбулоқ, Узунқудуқ** ёки аксинча, оронимлар асосида қишлоқ номи пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин **қўйтош, қоратош, Кўтал, Ойқор, Тошқамар, Ғўбдин** кабилар шунга мисолдир.

Ҳар бир фаннинг асосий ўрганиш объекти бўлиши ва бу объектни чуқур ҳар томонлама таҳлил қилиниши натижасида мазкур фаннинг ривожланиши ва жамиятдаги ўрни белгиланади. Математикада бундай объект-сонлар, физикада - жисмлар, кимёда-элементлар, тарихда-йиллар, тилшуносликда-сўзлар бўлса географияда бундай объект вазифасини географик номлар яъни топонимлар бажаради. География фани Страбондан бошлаб ҳозирги кунга қадар-қаерда? деган саволга жавоб бериб келмоқда. Денгиз ва дарёлар, тоғ ёки текисликлар, мамлакат ва шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллалар ўз номига эга. Ер юзасидаги

миллионлаб географик объектларнинг ҳудудий жойлашган ўрни, манзили шу номлар орқали аниқланади, харитага туширилади, у ерларда юз берган воқеа ва ҳодисалар ҳақда маълумот берилади.

География таълими тизимида юз берган иккита ўзига хос ҳолат бу фанни ўрганишда жой номларига яъни топонимларга алоҳида эътибор бериш заруратини келтириб чиқарди. Биринчидан, республикаимизнинг мустақилликка эришиб жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларини кенгайиб бориши оқибатида кундалик ахборотлар тизимидан юзлаб, ҳатто минглаб олдин номаълум бўлган ёки кам ишлатилган географик номларнинг ўрин олиши;

Иккинчидан, республикаимизда мустақил ҳудудий, географик сиёсат юритила бошланиши муносабати билан барча вилоят ва туманларнинг географик номлари янада чуқурроқ ўрганилиб, география таълими тизимида тортилиши кузатилмоқда. Шундай қилиб, жой номларини географиянинг ўзига хос тили деб атасак, ҳозирги даврда бу тилни кенгайиб, доимо янгиланиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Топонимларнинг тарихан пайдо бўлиши ҳамда жойларга ном беришда бир қанча географик қонуниятлар ва тамойилларга амал қилинади. Бугунги кунда бу қонуният ва тамойилларни пухта ўзлаштириш қишлоқ, маҳалла ва кўчаларга ном бериш ва уларни қайта номлашда фойдалидир.

Топонимлар пайдо бўлишида биринчи ва энг кенг тарқалган тамойил аҳоли маскани жойлашган ҳудуднинг *табiiй географик хусусиятини* эътиборга олинishiдир. Бунда жойнинг хусусиятининг акс эттирувчи умумий географик тушунча ҳамда ибораларнинг ***конкретлашуви ва индивидуаллашуви*** қонунияти юз беради. Масалан, “жар” сўзи табiiй географик термин сифатида “ўйилган, салбий рельефга эга бўлган жой” маъносини билдирувчи турдош от бўлса, унинг муайян бир объектга боғланиши натижасида топоним ясалади. Вилоятдаги *Аноржар, Жарариқ, Жарбоши, Жарқишлоқ, Жарқўрғон, Оқжар* каби жой номлари ушбу қонуният

асосида вужудга келган. Шу ўринда Фарғона, Марғилон, Қўқон каби номлар этимологиясида ҳам жойнинг табиий географик хусусиятини билдирувчи изоҳлар асосий ўринни эгаллашини таъкидлаш мумкин.

Фарғона топонимининг этимологияси тўғрисида жуда кўп фикрлар бор. Санскрит тилида паркани, форс - тожик тилидаги паркана (бир томони очик, атрофи тоғ билан ўралган водий) сўзидан ном олган дейиш ҳақиқатга яқин. Марғилон - топоними тадқиқотчилар фикрича, Марғилон форс тилидаги Марғ “ўтлок” ёки Марғи “ўтлокда яшовчи” сўзи билан алоқадор бўлса, Қўқон асли «Хуканд бўлиб, «Шамол шаҳри, сершамол шаҳар» деб изоҳланади.

Топонимларга ном беришда, яъни топоним ясашда **нисбий негативлик** деб аталган географик қонуниятдан ҳам фойдаланилади. Бу қонуниятга кўра бирор жойга ном беришда шу ҳудуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини тортадиган табиий ва ижтимоий объектлар танлаб олинади. Масалан, чўл зонасида чўл, тоғли ҳудудларда тоғ, пахта кўп экиладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди. Шунинг учун кишилар юқоридаги каби жойларга ном қўйишда бошқалардан қандайдир хусусияти билан фарқ қилиб турган географик объектларни қидиришади. Фарғона вилоятининг текис чўлли ҳудудларида тепалик ёки сув бор жойлар кишилар эътиборини тортади. Юқорида таъкидланганидек, вилоятнинг рельефи текислик бўлган ҳудудларида тепа сўзи қатнашган ўттиздан ортиқ жой номлари қайд этилиши мазкур қонуният натижасидир.

Сув билан боғлиқ топонимлар таркибида анҳор (қақир), ариқ, булоқ, жўй, кўл, машат, об, сой, қудуқ, иборалари кенг тарқалади. *Беширик, Олтиарик, Оқарик, Совурбулоқ, Тошбулоқ, Қайнарбулоқ, Қиёқбулоқ, Болтақўл, Дамқўл, Қувасой* шулар жумласидандир. Чор-атроф чўл ёки пахта майдонлари билан қопланган ҳудудларда дарахтлар ҳам кишилар диққатини тортиши шубҳасиз, вилоятда *Беҳизор, Бодомзор, Дўланазор, Қайрағочзор, Мевазор, Нокзор, Олмазор, Олчазор, Теракзор, Токзор, Толзор, Тутзор, Узумзор,*

Ўрикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор каби қишлоқ ва маҳаллалар номи ҳам мазкур қонуният асосида яратилган.

Географик терминларнинг топонимлашиш даражаси турлича бўлиб, баъзи бир топонимларда сўзларнинг топонимга айланмасдан олдинги маъноси аниқ билиниб туради, бошқа бир хил топонимларда қисман сақланиб қолган, учинчи бир хил номларда умуман йўқолиб кетган бўлиши мумкин. Топонимлар таркибида иккинчи ва учинчи гуруҳга кирувчи, маъноси тушунарсиз, этимологик жиҳатдан изоҳлашни талаб қиладиган географик номлар кўп учрайди. Бу ҳолат умумий тилшунослик фанига оид бир қатор қонуниятлардан фойдаланиб, улар этимологиясининг очиб бериш заруратини келтириб чиқаради.

Топонимларни изоҳлаш учун фойдаланиладиган дастлабки усул **топоформантлар** усулидир. Формант (лотинча форманс – ҳосил қилувчи) деб, сўз ясайдиган, лекин мустақил ўзи ишлатилмайдиган унсурларга айтилади. Топонимларни формантларга қараб ўрганиш соҳасида кейинги ўн йилликларда катта ишлар қилинди. Бу усулда номлар таркибида кўплаб такрорланадиган элементлар бир хил маънони англатиши эътиборга олинади. Фарғона вилоятида ҳам топонимлар таркибида энг кўп келадиган аффикслар (топоформантлар)га қараб топонимларнинг этимологиясини очиб бериш мумкин.

Топонимикада –зор аффикси билан ифодаланган топонимлар маълум ўсимлик турини бир ҳудудда кўп тарқалганини билдиради. Вилоятда Анжирзор, Бодомзор, Гулзор, Дўланазор, Қайрағочзор, Кўкаламзор, Кўчатзор, Лимонзор, Лолазор, Мевазор, Нокзор, Олмазор, Олчазор, Теракзор, Токзор, Толзор, Тутзор, Узумзор, Ўрикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор, Юлғунзор каби қишлоқ ва маҳаллалар номи қайд этилади. Бу номлардан Бехизор ва Мевазор Фарғона вилояти топонимик харитасида 3 мартадан, Узумзор 5 марта, Бодомзор 7 марта, Гулзор, Олмазор, Ўрикзор 10 мартадан такрорланади.

Фарғонада -кат, -кент аффикси қатнашган Заркент, Навкат, Чимкент каби қишлоқ номлари кенг тарқалган. Бу аффикс қишлоқ, шаҳар ёки аҳоли масканига нисбатан ишлатилиб, аҳоли яшайдаган масканларнинг янгилигини, тупроқ таркибини ифодалаши мумкин.

Топонимикада обод аффикси қатнашган топонимлар сони энг кўп тарқалган. Обод сўзи тожикча об-сув, обод-сувли, сув етарли жой деган маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли манзилгоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси «гуллаган» демакдир. Вилоятда «обод» аффиксоидининг кишилар исмига қўйилишидан Азимобод, Бекмирзаобод, Ғаниобод, Исломообод, Йўлдошобод, Матқулобод, Мирзаобод, Сатторобод, Солижонобод, Усмонобод, Ҳайдаробод каби қишлоқ номлари яратилган бўлса, кишиларнинг амали, мансабидан келиб чиқиб Амиробод, Бекобод, Султонобод, Хонобод номлари яратилганлигини кўриш мумкин. Вилоятимиздаги қишлоқ ва маҳалла номлари орасида Бегобод олти марта такрорланади.

Топонимикада -хона сўзининг функцияси кенг. Бирор халқ ёки қабила - уруғ яшайдиган қишлоқ номларига ҳам хона сўзи қўшилган. Зарафшон ва Фарғона водийсида араблар яшайдиган Арабхона деган қишлоқлар бўлса, бу аффиксни ўзбек уруғлари яшайдиган қишлоқ номларига ҳам қўшилишидан Баҳринхона, Дўрмонхона топонимлари ясалган. Хона қўшимчаси “бирор нарсга кўп” деган маънони ҳам англатади: Бўрихона– “Бўри кўп жой”, Жайрахона – “жайра кўп жой”, Каптархона - “каптар кўп жой” каби.

Фарғона вилоятида – чи (Буғдойчи, Бўтқачи, Карнайчи, Кўмирчи, Сандиқчи, Ипакчи, Ўқчи, Овчи, Қушчи, Қўчқорчи) -кор (Пахтакор, Ғаллакор, Сохибкор,), -ли, -лик,-лик аффиксларидан (Боғдорчилик, Далачилик, Жиякчилик, Кўнчилик, Сўкчилик, Тароқчилик, Косибчилик, Пиёзчилик, Пичоқчилик, Эгарчилик,) ташкил топган топоформантлар ҳам кенг тарқалган.

С.Қораевнинг (2005) таъкидлашича, топонимларни таҳлил қилишда қўлланадиган яна бир қонуният ном яшашда иштирок этадиган сўзларнинг маъновий жиҳатдан ўхшаш эканлигида ҳам, грамматик жиҳатдан тузилишида, яъни уларнинг қайси гап бўлаклари сифатида иштирок этишида ҳам, ниҳоят, топонимларнинг тузилишида географик номларни ҳосил қилишда кўпроқ иштирок этадиган сўз бўлақларининг таркибида ҳам кўринади. Бир сўздан иборат топонимлар, одатда, отлар ва камдан-кам ҳоллардагина сифатлар шаклида бўлади. Шундай қилиб, географик номлар муайян қолиплар шаклида ҳосил бўлади. Ана шундай қолиплар **топонимик моделлар** дейилади. Ҳар бир тил топонимлар ҳосил қилишда ўз хусусиятларига ва топонимик моделларга эга. Масалан, ўзбек топонимлари кўпинча бирдан ортиқ унсурлардан иборат бўлади, қўшимчалар ўзакдан кейин келади, сифат отдан олдин туради. Бирор бир жойнинг топонимлари рўйхатида, кўпгина географик хариталарда бу қонуният яққол кўринади. Демак, топонимик модел топонимларнинг тузилишини билдиради. Масалан, от+от: Арабтепа, Арабмозор, Тошқудук, Хўжаарик, Хўжақишлоқ, Қипчоқарик, Қўрғонтепа; Сифат+от: Оқтепа, Каттақўрғон, Қоратеп, Қизилтепа, Қорақум, Янгибозор; сон+от: Бешарик, Бешкапа, Олтиарик, Мингчинор, Яккатут, Учкўприк Учарик, Қўштегирмон, Қўштепа; от+феъл: Хўжаўлди, Сойкелди, Қумбости ва ҳоказо.

Маълум географик ҳудудларда жойлашган топонимларнинг шаклан ва мазмунан бир-бирларига ўхшаш эканлигини ташқи кузатишлардан ҳам билиш мумкин. Бундай номлар бошқалардан озми-кўпми ажралиб турадиган гуруҳлар, яъни топонимик типлар ҳосил қилади. Ҳар бир гуруҳга кирадиган топонимлар грамматик тузилиши, келиб чиқиши ва маъносининг умумийлиги билан фарқ қилади. Ўзбекистонда - ли (Аламли, Олмали, Бурганли, Ғумайли); -лик (Андижонлик, Қўқонлик); -лоқ (Қумлоқ, Тошлоқ, Санглоқ) қўшимчали топонимлар топонимик типларга мисол бўла олади. Махсус лингвистик адабиётларда топонимик тип деб баъзан муайян

топонимни ясалиш модели, айрим ҳолларда формант ҳам тушунилади. Бирок топонимик тип деганда грамматик шакл билан бир қаторда сўзнинг маъносини тушуниш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ҳар бир жой, ҳар бир тарихий давр ва ҳар бир тил учун ўзининг топонимик типлари аниқ кўринади.

Топонимик тип модел ва формантга нисбатан комплекс тушунча бўлиб, топонимиканинг барча аспектларини ўз ичига олади. Бирор ҳудудда кўп учрайдиган топонимик типларда географик ландшафтнинг хусусиятлари (чўл, текислик, тепа, тоғ, ариқ, кум, жар, қир, булок, кудук), муайян тарихий даврнинг характерли аломатлари (Вақф-вақим, ём-жом, озодлик, истиқлол, мустақиллик) ёки аҳолининг этник таркиби ҳам (Бачқир, Бағиш, Бўжай, Дўрмон, Найман, Жалойир, Сарой, Унгут, Қипчоқовул) ўз аксини топган бўлиши мумкин.

Олтиариқ тумани ойконимларининг лингво-географик таҳлили деганда, минтақа топонимиясининг таркибий қисми ҳисобланган ҳозирги аҳоли пунктлари номларининг шаклланиши, тараққиёти, қайси халқлар тили асосида ташкил топганлиги, мавжуд топонимик қатламларнинг ўзаро таъсири, уларнинг ҳудудий жойлашуви каби масалаларнинг талқини тушунилади. Вилоят ойконимларининг лингво-географик қатламлари ҳозирга қадар аниқланмаган ва илмий жиҳатдан мукамал тадқиқот объекти бўлган эмас. Бу эса, ҳудуд ойконимларининг тарихий тараққиёти ва лингво-географик қатламларининг пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилишнинг анча долзарб масала эканлигидан далолат беради. Минтақа халқларининг кўп асрлик ижтимоий турмуши, тарихий тараққиёти жой номларида ҳам ўз аксини топган. Улар орасида кўпчилик учун маъноси ноаниқ географик номлардан тортиб, яқинларда пайдо бўлган янги топонимларни учратиш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳоли пунктлари номлари одатда улар қад кўтарган ҳудуд ёки теварак-атрофнинг айрим табиий хусусиятлари ёки

махаллий аҳолиси ва унинг машғулоти, баъзан эса турар жойларнинг сони ва сифатларига қараб нисбат берилган. Уларнинг маъноси, қайси тилга оидлиги ҳақида қанча фикрлар билдирилган бўлса ҳам келиб чиқиши узил-кесил ҳал қилинмаган. Шунинг учун ҳам шаҳар-қишлоқларнинг таркиб топиши, жойлашиши, аталиш қонуниятларини конкрет табиий-тарихий ва сиёсий-иқтисодий шароит билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Минтақа жой номларининг дастлабки шаклланиш жараёни анча қадимий даврларга бориб тақалади, аммо улар аҳоли миграцияси, давлатлар ва тузумларнинг ўзгариши каби ижтимоий-тарихий омиллар натижасида унутилган ёки алмашиб кетган. қадимий географик номларнинг келиб чиқишини аниқлаш учун ҳамма вақт ҳам илмий манбалар топилавермайди. Шу сабабдан географик номнинг асл моҳиятини очиб бериш учун олимлар бир неча усулни қўллашни маъқул топганлар. Улар орасида энг муҳими географик номларни тарихий таҳлил қилиш усули ҳисобланади. Бу усул ёрдамида географик номларнинг эволюциясини, трансформациясини ва янги ном пайдо бўлишига сабаб бўлган ижтимоий муҳитни аниқлаш мумкин. Масалан, топонимик тадқиқотларда кўпинча тарихий усулни қўллаш тарафдори бўлган рус олими А.И.Попов ўз илмий ишларида шундай деб ёзган: «аниқ тарихий манба ва тарихий шароитдан хабардор бўлмасдан туриб, географик номнинг келиб чиқиши тўғрисида хатосиз бирон фикр айтиш қийин».

Бу фикрга далил сифатида бир мисол келтирамиз, вилоят ҳудудида **Муғ Муғтепа** деган аҳоли пунктлари бор. Буларнинг ҳаммаси Уструшона тарихий ўлкасида ислом дини тарқалишидан олдин ушбу ҳудудда яшаб зардуштийликка эътиқод қилган элат номи билан боғлиқ. Миқ - бу сўғд тилидаги муғ сўзининг халқ талаффузидаги бузилган шаклидир. Мусулмонлар оташпарастликка эътиқод қилган кишини муғ деб аташган.

Халқлар йўқ бўлиб кетган, тили унитилган бўлиши мумкин, лекин жой номлари сақланиб қолаверади.

Географик ном қанча қадимий бўлса у шунча тушунарсиз, маъносини мутахассисларгина билишади, уни таҳлил қилиш анча мураккаб, шунинг учун ҳам у қимматли сўз ҳисобланади. Жой номлари аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлиб, келиб чиқиши жамият ҳаёти, ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ айтганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини унинг географик номларида ҳам кўриш мумкин. Шу сабабдан, жой номларини тарихий пайдо бўлиш даври билан бирга ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Албатта, ҳар бир тарихий давр жой номларининг муайян қатламини ҳосил қилган, аниқроғи ҳар бир қатламнинг жой номларида ўзига хос «изи, тамғаси» мавжуд. Географик номлар таркибидаги мавжуд лингво-географик қатламни Жиззах вилояти ойконимлари мисолида ҳам таҳлил қилиб кўриш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, вилоятнинг энг қадимий жой номлари ҳозигача номаълум. Жой номларининг қадимийлиги нисбий характерга эга эканлигини инобатга олсак, бу фикр янада ойдинлашади.

Бу жараён нафақат минтақа жой номларига, балки барча халқлар, мамлакатларнинг жой номлари системасига хос ва муштарак хусусиятдир. Шу сабабдан, рус топонимисти В.А.Никонов энг қадимги жой номлари ҳанузгача номаълумлигича қолмоқда, деган. Вилоятнинг этник харитаси ўтмишда анча ранг-баранг ва мураккаб бўлган, қадимда минтақада ҳаёт кечирган ҳар бир элат, халқ ўз тилларида жой номлари яратганлар.

Ойконимлар деганда, шаҳар, қишлоқ, овул ва бошқа аҳоли масканлари номлари тушунилади. Аҳоли масканлари ижтимоий- иқтисодий ҳамда тарихий категория бўлиб, уларнинг номланиш жиҳатлари вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Ойконимларни ўрганишда уларни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб, таснифлаш

усули кенг тарқалган. Аҳоли масканларини асосан икки йирик гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Табиий ёки табиий-географик ойконимлар.
2. Иқтисодий-ижтимоий ойконимлар.

Табиий-географик ойконимлар ўз навбатида сув билан боғлиқ, рельефни акс эттирувчи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси номидан олинган ойконимларга бўлинса, иқтисодий-ижтимоий ойконимлар ўз навбатида кишилар исмидан, уруғ-қабилалар номидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардан олинган ойконимларга бўлинади. Мазкур ойконимларни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида яна кичик гуруҳларга бўлиш мумкин (1-чизма). Қуйида Олтиариқ тумани ойконимлар мисолида айрим гуруҳларга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

2-БОБ. ЖОЙНИНГ ГЕОГРАФИК ЎРНИ ВА ТАБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН ТОПОНИМЛАР

2.1. Жойнинг географик ўрни ва рельефини акс эттирувчи топонимлар.

Фарғона вилояти аҳолисининг ҳудудий жойлашуви ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Маълумки, аҳолининг ҳудудий жойлашуви муайян ҳудуднинг инсон яшаши учун қулай ёки ноқулайлиги билан белгиланади. Вилоят миқёсида тоғ ва тоғолди минтақаларда яшаш учун қулай шароит мавжудлиги сабабли аҳолининг аксарияти шу ҳудудларда жойлашган. Чўл зонасида одам деярли яшамаган, ўтган асрнинг иккинчи яримида Марказий Фарғона чўлига сув келтирилиб ўзлаштириш бошлангандан кейин вилоятнинг тоғли ва тоғолди туманлари ҳамда қўшни вилоятлардан одамлар кўчиб келган. Бу аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва янги ойконимларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган.

Сўнги йилларда чўл туманларидан аҳолини яна тоғли ҳудудларга кўчиши кузатилмоқда, буни уларни ота-боболари яшаб келган жойларидан узоқлашишни хоҳламаслигидан деб изоҳлаш мумкин. Кейинги йилларда тоғли ва тоғолди ҳудудлардаги аҳоли пунктлари майдон жихатдан кенгайиб бормоқда. Масалан, Ёзёвон туманида аҳоли пунктларининг майдони дарёлар ёқасидан, тоғ этаклари томон силжиб, кам ўзгарган ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ландшафтлар ҳудудига кириб бормоқда. Кузатилаётган бундай ҳолат, келажакда вилоят табиати ва иқтисодий-ижтимоий ривожланишида алоҳида имкониятларга эга бўлган тоғли ҳудудларда қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бинобарин, аҳоли пунктларини ҳудудий ташкил этилиши ҳамда унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиб бориш ва мавжуд муаммоларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Келажакда вилоят ҳудудига бошқа минтақалардан деҳқончиликда юқори малакага эга бўлган меҳнат ресурсларининг ўз ихтиёри билан кўчиб келиши

давом этиши мумкин. Бозор муносабатларининг ривожланиши, келажакда вилоят миқёсида урбанизация жараёнини тезлатиб шаҳар аҳолисининг янада кўпайишига сабаб бўлади.

Минтақа аҳолисининг жойлашувидаги ўзига хосликни аҳоли пунктлари номларида ҳам кўриш мумкин. Шу сабабдан аҳоли пунктларининг топонимик жиҳатдан ўрганилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Вилоятнинг шимолий текислик қисмида Ёзёвон чўлини ўзлаштирилиши натижасида пайдо бўлган ойконимлар асосан деҳқончилик маданияти билан боғлиқ. Чўлқувар, Пахтакор, Гулзор, Чаманзор, Навбахор, Янгидала, Бўстон каби қишлоқлар номи янги давр маҳсули ҳисобланади. Бу ҳолат Олтариқ туманининг текислик қисмида, айниқча чўл минтақасида кўп учрайди. Бу номлар халқнинг қақраб ётган чўлни обод қилиб, деҳқончиликда эришган ютуқларининг натижаси, яъни инсон қўли билан ўзлаштирилиб обод қилинган маънони англатувчи номлардир. Бу тур номларнинг пайдо бўлиши халқнинг янги ерларни ўзлаштирилиши, янги қурилишлар мажмуини бунёд қилиши каби ижодкорлик, чўлқуварлик, янги деҳқончилик манзиллари яратиши билан боғлиқ. XX-асрда халқнинг оммавий бунёдкорлик фаолияти туфайли бу хил номлар яратилди.

Олтиариқ туманининг тоғолди ҳудудларида халқнинг табиатга бўлган муносабати, табиий ҳодисаларини англаш даражаси, турли хил ландшафтлардан фойдаланиш имкониятлари каби омиллар жой номларининг яратилишида моддий, ижтимоий ва лисоний асос вазифасини бажарган. Натижада, вилоятнинг тоғ олди ҳудудларида маҳаллий аҳолининг моддий ишлаб чиқариш муносабатларини белгилайдиган Лалмикор, Ғаллакор, Адиробод, иқлими ва тупроқ шароитларига муносибати натижасида Лойқа, Ёйилма каби номлар пайдо бўлган. Масалан, Фарғона туманидаги Лойқа аҳоли пункти номига сой сувлари олиб келган, аллювиал ётқизиклардан ташкил топган, тоғ олди текислигидаги унумдор ерларда жойлашганлиги

ҳамда кўпинча ғалла экилиб, баҳорда ёғингарчилик мавсумида 2-3 марта суғорилиб яхши ҳосил олинганлиги сабаб бўлган.

Минтақанинг тоғли ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари номлари кўпинча, маҳаллий халқнинг ўтроқ ҳаётга, турғун турмуш кечиришга ўтиш жараёнини ўзида акс этган. Туманнинг тоғли ҳудудлардаги ойконимлар тарихийлик мақомига эга, бунга унинг қачон пайдо бўлганлиги, ном яратган халқ, элатнинг маълумлиги, уларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, шу турдаги номларнинг бошқа ҳудудларда ҳам учраши, тилнинг замонавий ҳолатида изоҳлаб бўлмаслиги каби далилларни кўрсатиш мумкин.

Олтиараиқ туманининг тоғли ва адир ҳудудларида ороним сифатида шаклланган номларнинг ойконимга ўтиши кўпроқ кузатилади. Бундай жой номлари таркибида қир, камар, тош, тоғ, санг, шах, бел, довон, ағба, чақир, танги каби географик терминлар кўпроқ учрайди. Шунини таъкидлаш лозимки, ер юзаси шакллари объектлари қишлоқларни номлашда мўлжал, ориентир вазифасини бажаради. Сув ҳавзалари нафақат чўл, балки тоғ олди ва тоғли ҳудудларда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Улар инсон фаолияти ва ҳаётида катта ижтимоий, моддий аҳамиятга эга бўлганлиги боис тоғли ҳудудлардаги аҳоли пунктлари номлари орасида азалдан алоҳида мақомга эга.

1-жадвал

Ҳудудлар	<i>Аҳоли пункти номлари</i>
Чўл	Чўлқувар, Бўстон, Лойқа, Мирзадала, Пахтазор, Янгидала, Лолазор, Гулистон, Гулзор, Чаманзор,.
Тоғ олди	Адиробод, Ёйилма, Лалмикор, Коризқудук, Тепа, Омондара, Жамонжар, Тўқай, Ғаллакор, Учтепа, Лойқа, Камар, Зартепа, Жартепа, Тепали.
Тоғли	Қоратош, Тангили, Баландчақир, Октош, Музбел, Тоғтерак, қияовул, Жўм-жўм, Тошқамар, Кўтал, Учма, кўйтош, Ойқор, Шилвили, Жайрахона.

Ҳозирги даврда таркибида булоқ, чашма, сой, об каби сўзлар мавжуд бўлган қишлоқларнинг пайдо бўлишида сув манбалари моддий асос бўлиб

хизмат қилган. Олтираиқ туманида ойконимларининг ҳудудий жойлашувидаги ўзига хосликни юқоридаги жадвалда кўриш мумкин.

Юқорида қайд қилингандек, тарихий манбаларда топонимиянинг бошқа таркибий қисмларига қараганда аҳоли пунктлари номлари кўпроқ қайд этилган, уларда минтақа табиатининг хусусиятлари, жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса ва воқеалар, аҳолининг касб-ҳунарлари номлари, аҳоли пунктига асос солган кишининг исми фамилиялари унда қандай қавм вакиллари яшагани ёки яшаётгангани ойконимлар номларида ўз аксини топган.

Ер рельефининг тузилиши, сатҳи билан боғлиқ бўлган бундай ойконимлар геоморфологик ойконимлар ёки ороойконимлар деб аталади. Оронимларга тоғ, адир, қир ва тепаликлар эмас, балки рельефнинг салбий шакллари - водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, ўйиқ-чиқиқлар, шунингдек, текислик, паст текисликлар ва қумликлар ҳам киради. Вақт ўтиши билан объектнинг рельефи ўзгариши мумкин бироқ ўша рельефни ифода қилган ном сақланиб қолаверади. Чунончи, “тепа”, “жар” маъносини билдирган ойконимларнинг айримлари ҳозирги вақтда ўша жой рельеф хусусиятини айнан англатмаслиги мумкин.

Рельеф шаклларида аҳоли масканларига энг кўп қўйиладиган ном тепа ҳисобланади. Қадимда аجدодларимиз кўпроқ муҳофаа мақсадларини кўзлаб ўз яшаш манзилгоҳларини тепалар яқинида ташкил этганлар. Мазкур ҳолат душман ҳавфини анча узоқдан билиш ёки бошқаларни бу ҳақда огоҳлантириш имконини берган. Олтиариқ туманида тепа сўзи қатнашган қишлоқлар сонини ўттизтадан ортиши фикримизнинг далилидир. Ушбу аҳоли манзилгоҳларига қуйидагиларни яна такроран мисол қилиб келтириш мумкин: Азизтепа, Арабтепа, Арзиктепа, Гўртепа, Зиндонтепа, Китконтёпа, Оқтепа, Симтепа, Собиртепа, Сочтепа, Сурхтепа, Тепажалоер, Тепақўрғон, Тепалик, Тепатаги, Тиллатёпа, Тошлоқтепа, Тоштепа, Учтепа, Чилонтепа, Шаҳартепа, Шўртепа, Чангқишлоқ, Қизилтепа, Қиловтепа, Қоратёпа,

Қоровултепа, Қумтепа, Қўштепа каби. Албатта бу тепаларнинг эгасини, ўзига хос хусусиятини, сон-саногини билдирувчи қўшимча сўзлар ҳам таҳлилга муҳтож бўлади. Бу ҳақда қўлланманинг луғат қисмида батафсил маълумот берилади.

Олтиариқ туманида жар сўзи қатнашган жой номлари кўпроқ қишлоқнинг яқин атрофидаги салбий рельеф шакли “жар – ўйилган чуқур сойлик” борлигидан дарак беради. Масалан, жар сўзи орқали Жарқўрғон, Жарбоши, Жарқишлоқ, Оқжар, Тағижар, Қизилжар сингари қишлоқлар номланган. Шунингдек, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғати турк» асарида қайд этилганидек ёр сўзи ҳам жар, ўйилган ер маъносини беради. Адабиётларда бу сўз Наманган гуруҳи шеваларида ҳозир ҳам шу маънода ишлатилиши таъкидланади. Наманган вилоятининг Уйчи туманида Ёртепа, Ёркўрғон, Ёртағи, Ёркўча, Кесканёр Янгиқўрғон, Чуст туманларида Ёрқишлоқ, Андижон вилоятида Оқёр, Куйганёр, Фарғона вилоятининг Фарғона туманида Ёрмозор, Ёрдон деб аталувчи қишлоқлар бор. Бу топонимларда ёр сўзи жар маъноси билан географик номлар таркибида қатнашган ва жойнинг рельеф хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Олтиариқ туманида рельеф шаклини билдирувчи Равон, Дўнгсарой, Белариқ, Камар, Қопчуғай ёки чуқур сўзи билан Чуқурқишлоқ, Чуқуркўча каби топонимлар яратилганлигини кўришимиз мумкин. Геоморфологик ойконимларга рельеф шаклидан ташқари жойнинг ландшафт тузилишини билдирувчи жой номлари ҳам киради. Бундай ойконимлар таркибида дашт сўзи кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Одатда дашт – “обод қилинмаган, сувсиз чўл”га нисбатан қўлланадиган географик терминдир. Табиий географияда дашт табиат зонаси деб чўлга нисбатан шимолда жойлашган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан бойроқ бўлган ҳудудга айтилади. Фарғона вилоятида дашт ибораси билан Дашт, Даштобод, Дашт маҳалла, Дашт Пандигон, Дашт тегирмон, Дашт Чўлпон, Дашт Ҳасан, Ўқчидашт, Ғанидашт каби қишлоқ ва маҳаллалар номлари юритилади.

Навбатдаги геоморфологик ойконимлар қаторига тош сўзи билан бошланадиган жой номларини киритиш мумкин. Бу ойконимлар таркибидаги тош сўзи- қаттиқ тоғ жинсларининг умумий номи ёки алоҳида турган қоя сифатида қўлланилган бўлиши мумкин. Олтиариқ тумани ва вилоят ҳудудларида Тошараб, Тошариқ. Тошобод, Тошлоқ, Тошлоқтепа, Тошмасжид, Тоштепа, Тошохир, Тошховуз, Тошқишлоқ, Тошқўрғон, Полвонтош, Кўктош каби маҳалла ва қишлоқ номлари қайд этилган бўлиб, улар таркибидаги тош сўзи топоним ясовчи сифатида ишлатилган.

Қадимги географик терминлардан яна бири- ёзи бўлиб, туркий ва эски ўзбек тилида, чўл, дашт, текисликни билдирган. Ҳозир истеъмолдан чиқиб кетган бўлиб Ўзбекистон ҳудудидаги айрим топонимлар таркибида сақланиб қолган. Бунга Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Оқёзи, Сариези номли ойконимларини мисол қилиш мумкин. Оқёзи-оқ чўл, оқ дашт, Сарёзи-сарик дашт, сарик чўл маъносини билдиради. Марказий Фарғонада жойлашган Ёзёвон туманининг номи ёзи ва ёбон сўзларидан тузилган. Бундаги ёбон сўзи ҳам чўл деган маънони беради. Келиб чиқишига кўра Ёзиёбон тарзида шаклланган бу номда вақт ўтиш билан турли фонетик ўзгаришлар бўлган, дастлаб и товуши тушиб қолган, сўнг б товуши в товуши билан алмашиб Ёзёвон шаклини олган. Ёзёвон айнан “чўл, чўли биёбон, текис чўл” демакдир.

Жойнинг геоморфологик хусусиятларидан рельефнинг тузилиши, сатҳи, тоғ, адир, қир ва тепаликлар, водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, текислик, паст текисликлар ва қумликлар билан боғлиқ бўлган бундай ойконимлар узоқ вақт ўзгармасдан сақланиб қолиши билан ҳам аҳамиятлидир. Масалан, Олтиариқ туманидаги Қизилтепа, Китконтёпа ва бошқ...

2.2. Сувлик билан боғлиқ топонимлар

Қурғоқчил иқлим ҳукумрон бўлган ҳудудларда, жумладан Фарғона водийси ҳудудида гидронимларнинг (сувлик билан боғлиқ бўлган географик объектлар) гидроойконимга айланиши кўп кузатилади. Сабаби, қуруқ иқлим шароитида сув ҳаёт манбаи сифатида ҳар қандай аҳоли масканининг шаклланишига, жойлашган ўрнига ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Гидроойконимларни ва гидронимларни номланишига таъсир кўрсатадиган омиллар бир биридан у қадар кўп фарқ қилмайди. Гидронимларнинг гидроойконимга айланиш ва келиб чиқиш жараёнидагини баъзи ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Гидроойконимлар таҳлилида уларнинг қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш тамойилларини белгилашда Н.Охунов (1998) томонидан ишлаб чиқилган усулга амал қилиш мумкин. Бундай таҳлилда гап гидронимлар ҳақда эмас балки гидроойконимлар ҳақда бораётганлигини назардан қочирмаслик лозим, чунки ҳамма гидронимлардан ҳам аҳоли масканларининг номлари ясалавермайди. Фарғона вилоятида сув билан боғлиқ ҳолда яратилган аҳоли масканлари номларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳга сув объектларининг маълум бир этник гуруҳга, бирор аҳоли масканига ёки айрим кишиларга тегишли эканлигини билдирадиган гидронимлардан олинган ойконимлар киради. Олтиариқ туманида Ғалласой, Шохимардонсой, Ариқбўйи, Янгиариқ каби қишлоқ ва маҳалла номлари мазкур тамойил асосида яратилган. Иккинчи гуруҳга грунт қатламнинг устки тузилиши, тупроқнинг таркиби, жой рельефига кўра номланган гидронимлардан олинган ойконимлар киради. Бундай қишлоқ ва маҳаллаларга *Тошариқ*, *Жарариқ*, *Қумариқ*, *Қиялисой*, *Сойлик*, *Сой шилдир*, *Шаршара* кабилар мисол бўлади.

Сувнинг мазаси-таъми, ҳиди, ҳароратига ва рангига нисбатан ном олган гидронимлардан учинчи гуруҳга кирувчи ойконимлар яратилган. Бу хил гидроойконимларнинг таркибида «ширин», «чучук», «тотли» «шўр», «аччиқ», «сассиқ», «совуқ» сўзлари қатнашади. Фарғона вилоятида *Шўрсув*, *Ширинсув*, *Зилолсув*, *Аччиққўл*, *Ойдинқўл*, *Оқариқ*, *Оқариқобод*, *Оқбулоқ*, *Оққудуқ*, *Қораариқ*, *Қорасой*, *Қорасув*, *Қоракўл*, *Совуқбулоқ* каби қишлоқ ва маҳалла номлари қайд этилган.

Илмий тадқиқотларда қайд этилишича, гидронимлар таркибида қўлланган оқ сўзи доимо оқиб турадиган, тоғ музликлардан келадиган, қор сувлари билан тўйинадиган, ўз табиий ўзанида оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқ тусда бўлган, ичишга яроқли сувга нисбатан ишлатилади. Ер ости ва сизот сувларидан тўйинадиган, секин оққанлиги учун тиниқ қорамтир тусда кўринадиган, табиий ўзанида оқмайдиган сувга нисбатан эса қора сўзи ишлатилади.

Тўртинчи гуруҳга сув объектининг сон-саноғи, микдorigа қараб ном олган гидроойконимлар киритилади. Олтариқ туманида ушбу гуруҳга кирувчи *Олтиариқ*, *Булоқбоши*, *Оқбулоқ*, *Зарбулоқ*, *Мингбулоқ*, каби аҳоли масканларининг номи мавжуд.

Бешинчи гуруҳдан объектнинг жойлашган ўрнига, хажми-ўлчовига, шакл-тузилишига кўра номланган гидроойконимлар жой олади. *Иссиқ сув*, *Артизон бўйи*, *Ариқбўйи*, *Булоқбоши*, *Белариқ*, *Сойбўйи*, *Улкансой*, *Сувбоши*, *Каналтаги*, *Каналбўйи*, каби жой номлари шу гуруҳга мансубдир.

Олтинчи гуруҳга гидрологик объектнинг пайдо бўлган вақтига нисбатан номланган гидронимлар асосида яратилган ойконимлар киритилади. Фарғона вилоятида *Янгисой*, *Янгиариқ*, *Янгиканал* каби қишлоқ ва маҳалла номларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Охириги гуруҳга сувнинг оқиш характери, оқим йўналишига кўра ном олган гидронимлар ҳамда бошқа сувлик билан боғлиқ бўлган гидроойконимлар киритилади. Вилоятдаги *Жаннат ариқ*, *Дамариқ*, *Жўйдам*,


Хотинариқ, Дамкўл, Сойкелди, Сойшилдир каби номлар оқим хусусиятини билдирса *Ғалчасой, Сойгузар, Кандабулоқ, Қудуқлик, Сувлиариқ, Олтинкўл, Ойдинкўл, Чашма, Машат, Сардоба, Тағоб* каби гидронимлардан олинган ойконимларни маъноси алоҳида таҳлил қилинади.

Сувнинг ранг хусусиятига қараб номланган гидрообъектлар. Бу гидрообъектларнинг номланишида *оқ, қора, кўк, қизил* каби ранглар маъносидаги сўзлар кўпроқ учрайди. Чунончи, **Оқбулоқ** (Зарбдор тумани), **қорасой** (Жиззах тумани), **қорасув** (Бахмал тумани), **Кўкбулоқ** (Бахмал тумани), **қизилқудук** (Фориш тумани) ва бошқалар.

Мутахассисларнинг фикрича, гидронимлар таркибида қўлланган ранглар турли маънони ифодалаши мумкин. Масалан, топонимист олим Н. Охуновнинг ёзишича, доимо оқиб турадиган, тоғдан, музликлардан келадиган қор сувлари билан тўйинган, ўз табиий ўзанида оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқиш тусда бўлган, ичишга яроқли сувга нисбатан оқ сўзи ишлатилган ва улар – *оқсув, оқсой* деб номланган.

Тоғ этакларида, водийларда сизот сувларидан тўйинадиган, тиниқ қорамтир тусда, табиий ўзанида оқмайдиган, канал қазиб оқизилган сувларга нисбатан эса қора сўзи қўлланилиб - улар *қорасув, қорасой* номлари билан юритилган. **Кўксув, Кўкдарё** гидронимлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу хил гидрообъектларнинг кўлами чуқур, сувнинг оқиш суръати сокин, ранги шишадек кўм-кўк, ғоят тиниқ ва тоза бўлади. Гидрообъектларнинг номланишида қизил, сариқ, яшил каби ранглардан ҳам фойдаланилган.

Сувнинг ҳарорати, ҳиди ва маза-таъмига қараб номланган гидрообъектлар. Бундай гидронимларни номлашда кўпинча *совуқ, иссиқ, сассиқ, аччиқ, ширин, шўр* каби сўзлардан фойдаланилган. Масалан, **Иссиқсув** (Олтариқ тумани), **Совуқбулоқ, Жилибулоқ** (жили-илик маъносида) (Бахмал тумани), **Музбулоқ** (Ғаллаорол тумани), **Шўрқудук** (Фориш тумани), **Шўрча** (Зомин тумани), **Шўрбулоқ** (Бахмал тумани), **Сассиқбулоқ** (Фориш тумани) ва бошқалар.



2.3. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини акс эттирувчи топонимлар.

Инсонлар ҳаётида ўсимликлар жуда катта вазифани бажаради. Бу ҳолатни эътиборга олган кишилар қадим замонлардан бошлаб уларни авайлаб, парваришлаб келганлар. Қадимги лотин тилида дарахт ва халқ сўзлари бир хил ибора билан “поплюс” деб аталгани ҳам ўсимликлар дунёсини кишилар ҳаётидаги эгаллаган ўрни ва аҳамиятидан олинган бўлиши мумкин.

Топонимларнинг нисбатан катта бир гуруҳини ўсимлик номлари асосида яратилган атамалар ташкил этади. Ўсимлик ва дарахт номлари билан аталган аҳоли масканлари номи - фитоойконимлар (юнонча фитос-ўсимлик демакдир) деб аталади. Улар маълум ҳудудда тарқалган ўсимликлар дунёси ҳақда батафсил маълумот беради. Бу турдаги жой номларининг вужудга келиши юқорида таъкидланганидек, нисбий негативлик деб аталган географик қонуният асосида юз беради. Бу қонуниятга кўра, бирор жойга ном беришда шу ҳудуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини тортадиган табиий ва ижтимоий объектлар номи танланади.

Масалан, буғдой, пахта кўп экиладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди, бу ерларга кўпроқ ўсимликларни номи берилади. Бундан ташқари, ўсимликлар номи кундалик ҳаётда ўзига хос мўлжал (орентир) бўлиб ҳам хизмат қилган. Шу тарзда географик номлар тизимида, жумладан Фарғона вилояти ҳудудида ҳам фитоойконимлар пайдо бўлган. Фарғона вилояти ҳудудида тарқалган фитоойконимлар таркибида ёввойи ўсимликлардан Арча (*Паски Арча, Юқори Арча, Арчазор*), бодом (*Янги бодом, Бодомзор*), лола (*Лолазор*), янтоқ (*Қораянтоқ*), юлғун (*Юлғунзор*), қайрағоч (*Қайрағоч, Муллақайрағоч*) каби ўсимликлар номидан олинган жой номлари такрорланиб келади.

Маданий ўсимликларнинг жамиятда тутган ўрнига мос равишда вилоятимиз қишлоқ ва маҳаллалари орасида улар номи билан аталадиган жой номлари кўпчиликти ташкил этади, жумладан,

- 1) Анор сўзидан: *Анор*;
- 2) Жийда сўзидан: *Жийдали, Жийдаариқ, Чилгижийда Қоражийда*;
- 3) Олма сўзидан: *Олмазор*(10 марта такрорланади), *Олмоота*;
- 4) Пахта сўзидан: *Пахтакор* (5 марта такрорланади), *Пахтаобод, Пахта бўстон, Пахта учун, Пахта қайнар*;
- 5) Терак сўзидан: *Теракзор, Теракмозор, Терактаги, Бештерақ, Мингтерақ, Жуфттерақ*;
- 6) Тол сўзидан: *Толзор, Тўптол, Толқўча, Толмозор, Учтол, Қатортол, Қароқчитол*;
- 7) Тут сўзидан: *Сертут, Тутзор, Туттаги, Мингтут, Учтут, Яккатут, Яккатутбува*;
- 8) Ўрик сўзидан: *Ўрикзор, Ўрикли каби*.
- 9) Қовоқ сўзидан: *Бешқовоқ каби*.
- 10) Бодом сўзидан: *Бодомзор каби*.
- 11) Бўғдой сўзидан: *Бўғдойчи каби*.

Булардан ташқари чинор, сада, туранғи сингари мевасиз дарахт номлари билан аталувчи аҳоли масканлари ҳам мавжуд. Бу ҳақдаги мисоллар кўлланманинг луғат қисмида берилган.

Ўсимликларнинг бошқа тиллардаги номларидан олинган фитоойконимлар ҳам учраб туради. Фарғона вилояти топонимик харитасида келтирилган *Хористон* (Олтиариқ тумани), *Чумоқча* (Риштон тумани) ойконимларининг ўзаги тожикча хор (тикон), чумоқ (ёнғоқ) бўлиб Тиконзор ва Ёнғоқ маъноларини билдиради.

Фитоойконимлар таркибидаги қўшимчаларга қараб маълум бир жойда ўсимлик ёки дарахтларнинг тарқалиш миқдорини билиш мумкин (Н.Охунов,1989) Маълум ҳудудда ўсимликларнинг кўп эканлигини

билдирувчи ойконимлар таркибида минг, тўп, қатор, гала сингари сонлар ва миқдорни билдирувчи сўзлар ёки -ли, -лик, -зор, -истон қўшимчалари мавжуд бўлади: *Мингўрик, Мингчинор, Тўптол, Тўптерак, Қатортол, Қўғоли, Ғумойли, Галатут, Ўрикли, Толли, Ёнғоқли, Олмали, Узумзор, Ўрикзор, Найистон* сингари.

Ўсимликнинг камлиги ёки саноқли эканлиги маъносини билдирувчи ойконимлар таркибига «якка», «икки», «қўш», «уч», «тўрт», «чор» сўзлари иштирок этади. Масалан, *Иккитол, Учтут, Уччинор, Чорчинор, Чортут, Яккатол, Яккатут, Қўшчинор, Қўштол* каби. Бундан ташқари, ҳеч қандай қўшимчасиз ўзак ҳолида қўлланилувчи Арча, Чинор, Қайрағоч, Сада, Чилон, Тут сингари ўсимликлар ҳам қишлоқ ва маҳаллалар номлари учун асос бўлган. Бу сўзлар мазкур ўсимлик турининг ўша ҳудудда озлиги, кам миқдорда эканлиги, лекин энг характерли белги вазифасини ўташлигини билдиради.

С.Қораев (2006) ҳар доим ҳам ўсимликлар номидан олинган аҳоли масканлари номини фитоойконимлар гуруҳига киритиш у қадар тўғри эмаслигини таъкидлайди. Сабаби маданий ўсимликлар, турли экинлар ва дарахт-буталар деҳқончилик ҳамда боғдорчилик манбаи бўлиб, иқтисодий географиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Шунинг учун бундай номларни иқтисодий ойконимлар гуруҳига киритиш ҳам мумкин.

Бундай ойконимлар қаторига республикамиздаги *Анжрли, Анорзор, Арпа, Арпакўл, Арпалик, Арпаоя, Бедазор, Бедаоя, Бештерак, Бештол, Бешқовоқ, Бодомзор, Богбон, Галатут, Гужумли, Гужумди, Жигдазор, Жийда, Жийдабулоқ, Жийдакаппа, Жийдамаҳалла, Жийдамозор, Жийдақишлоқ, Жийдали, Лола, Лолазор, Мингўрик, Мингчинор, Мирзатерак, Найзақайрағоч, Олволизор, Олмазор, Оқтерак, Пахтазор, Пахтакеш, Пахтакор, Пахтакураш, Пахтакўл, Пахтафронт, Пахтачи, Пахтақайнар, Пахтақишлоқ, Пистали, Сертут, Тариқ, Терак, Теракзор, Теракли, Терактаги, Тол, Толди, Толиқудуқ, Толзор, Толли, Толлиовул, Толлисой,*

Толлиариқ, Толлиқишлоқ, Толлиқўрғон, Толмазор, Тут, Тутзор, Тутли, Узумзор, Шафтолили, Шафтолизор, Яккаарча, Яккатол, Қатортерак, Қатортол, Қартортут, Қизилгул, Қизилтут, Қораёғоч, Қоражийда, Қоратол, Қушёғоч, Қўшчинор каби номларни киритиш мумкинлиги таъкидланади. Бизнингча, бу масалада алоҳида тадқиқотлар олиб бориш лозим. Чунки С.Қораевни фикрига ҳам тўла қўшилиб бўлмайди, сабаби юқорида берилган жой номларидан Лола, Оқтерак, Тут кабилар иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларни эмас балки, фақатгина фитоойконимлар каторини билдиради.

Зоотопонимик ойконимлар - ҳайвон номлари билан аталган аҳоли масканларининг номидир. С.Қораевни ёзишича (2005) бундай ойконимлар таркибида айғир, балиқ, баҳрин, бедана, бия, бурга, бургут, бўйра, бўри, дўлта ("сиртлон"), илон -жилон, карп, лайлак, малах(тожикча), от, туя, чаға, човли, шағол, эчки, эшак, қарсак, қарчиғай, қарға, қулон, ғажир (ғажимоқ-феълидан ўлимтиххўр бесўнақай қуш, тасқара ҳам дейилади) каби сўзлар учрайди.

Олтиариқ тумани топонимлари таркибида ҳам ҳайвонлар номи билан юритиладиган қишлоқ ва маҳаллалар ҳам учрайди. Вилоятимиздаги *Бўриқум, Олтиқуш* (Данғара тумани), *Ғози-ғиждон* (Учкўприк тумани), *Ғозиёғлиқ, Учқуш* (Қўқон шаҳри), *Каптархона* (Фарғона тумани), *Лайлақуя* (Қува тумани), *Қорақушчи* (Охунбобоев тумани), *Қушқўноқ* (Ўзбекистон тумани), *Қушчи* (Фурқат тумани), *Қўчқорчи* (Қувасой шаҳри), *Шунқор* (Фурқат тумани) номлари ҳам ҳайвонларга нисбат бериб қўйилган бўлиши мумкин.

Бироқ бу топонимлар орасида уруғлар номи, этнонимлари ҳам кўп учрайди. Масалан, С.Губаева (1983) Алқор қалмоқлар қишлоғи бўлиб, уни Оппоқ хўжа эшон дуо қилганлигини ёзади. Қушчи, Қутчи, Қуччи топонимлари парранда номидан эмас балки уруғ номидан олинганлиги исботланган (С.Қораев, 2001). Шунинг учун ҳар бир зоотопонимик ойконим изоҳи алоҳида таҳлилга муҳтож. Баъзан ҳайвон номи бошқа, кўчма маънода

қўлланган бўлиши ҳам мумкин, Масалан, айғиртепа деганда "катта тепалик" тушунилиши, ёки қадимги маънода ишлатилган бўлиши мумкин, балиқ сўзи "шаҳар" маъносини англатиши сингари. Қуйида Олтиариқ туманидаги айрим жой номларининг изохи келтирилган.

Беҳизор - вилоятда кенг тарқалган жой номларидан бири. Ўсимлик ва дарахт номлари билан аталадиган аҳоли манзилгоҳлари кўп такрорланиши кузатилади. Бундай фитоойконимлар таркибидаги “-зор” қўшимчаси маълум турдаги ўсимликни шу ерда кенг тарқалганлигини билдиради. Вилоятда *Анжирзор, Бодомзор, Гулзор, Дўланазор, Қайрағочзор, Кўкаламзор, Кўчатзор, Лимонзор, Лолазор, Мевазор, Нокзор, Олмазор, Олчазор, Теракзор, Токзор, Толзор, Тутзор, Узумзор, Ўрикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор, Юлғинзор* каби қишлоқ ва маҳаллалар номи қайд этилади. Бу номлардан Беҳизор, Мевазор 3 мартадан, Узумзор 5 марта, Бодомзор 7 марта, Гулзор, Олмазор, Ўрикзор 10 мартадан такрорланади.

Бозорбоши - Олтиариқ ва Ўзбекистон туманларидаги қишлоқ ва маҳаллалар номи. Ўрта Осиёда кишиларнинг иқтисодий турмушида савдо ва транспортнинг аҳамияти юқори бўлган. Савдо мазкур ҳудуднинг гуллаб яшнашига таъсир ўтказган. Шу боис “бозор” ибораси топонимлар таркибида кенг тарқалган. Вилоятда *Бозор, Бозорйипан, Ёғбозори, Сарибозорча, Устабозор, Янгибозор* каби жой номлари мавжуд.

Бой - Вилоятда кенг тарқалган жой номларидан бири, ушбу масканда яшаётган кишиларни мулкый ҳолатига нисбатан ёки бирор кишига қўйиладиган исм номидан жой номлари ҳосил қилинган. *Боймаҳалла, Бойтўпи, Ботирбой, Жумабой, Катта –бойбучча, Мелибой, Тўлабой, Тошбой замини, Узоқбой, Ўринбой, Қўқонбой* каби жой номлари шулар жумласидандир.

Бўрбалиқ – Олтиариқ туманидаги қишлоқ. Топонимнинг “бўрилар шаҳри» деган этимологияси номнинг ташқи ўхшашлиги асосида вужудга келган. “**Балиқ**” сўзининг аҳоли яшайдиган маскан, қишлоқ маъноси бор.

“Бўр” сўзи “экин экилмайдиган бўз, партов ер” деган маънони билдиради. Бунда Бўрбалиқ сўзи “бўз, партов ердаги қишлоқ “деган маънони беради. (Дўсимов, 1977). “Бўр” сўзининг орол маъноси ҳам борлигини эътиборга олган ҳолда ушбу топоним этимологиясини яна таҳлил қилиш лозим.

Гузар- вилоятда кенг тарқалган жой номи ёки ном таркибида ишлатиладиган термин. Шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда кўчалар кесишган, чорраҳаларда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш расталари бўлган гавжум, серқатнов, обод жой -гузар деб аталган. Бундан ташқари сувдан ўтадиган жой (кечув), довон, бирор объектни кўп бўлишини билдирувчи маънолари ҳам бор. Арабгузар, Ахшакгузар, Гузарбоши, Исфарагузар, Новойлигузар, Сойгузар, Тошенлигузар, Эшонгузар, Қаймоқли гузар каби номлар Фарғона вилоятида қайд этилади.

Гулистон- вилоятдаги қишлоқ ва маҳаллаларга ўн матадан ортиқ такрорий кўйилган ном. Яшнаган, обод, боғ- бўстонлар билан қопланган маскан, ўлка деган мазмунга эга. Янги ўзлаштирилган ҳудудларда *Чўлигулистон* номи кенг тарқалган.

Дашт - вилоятда кенг тарқалган топонимлардан бири. Дашт аслида географик термин бўлиб, «дала, овлоқ жой», «тошлоқ чўл» маъноларида ишлатилади. Ана шундай овлоқ, очик жойлардаги қишлоқлар дашт деб юритилади. Баъзи ҳолларда бу сўз топоним таркибида ҳам учрайди, масалан, *Даштмаҳалла, Даштхасан, Даштчўпон, Даштиқипчоқ* (Дўсимов, 1977; Охунов, 1989).

Жарқишлоқ - вилоятининг Олтиариқ, Бешариқ, Боғдод, Данғара, Тошлоқ туманларида шу номли қишлоқлар бор. Жар асли географик атама бўлиб, тоғ этаги қияларида, замини юмшоқ текисликларда кўплаб учрайдиган, оқар сувлар ерни ювиб кетиши натижасида ҳосил бўлган чуқурликлардир. Жар умуман «чуқурлик, пастлик» маъносини ҳам ифодалайди. «Жар» сўзи кўшилишидан *Аноржар, Жаманжар, Жарариқ, Жарбоши, Жарқўргон, Оқжар* каби қишлоқ номлари яратилган.

Жўрак- Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Этимологияси маълум эмас. Юрак сўзини шевада айтилиши бўлиши мумкин. Юрактепа - шакли юракка ўхшаш тепалик деган маънони англатади.

Зархал- Олтиариқ туманидаги маҳалла номи. Бронза ёки олтин суви юритилган ёзув ёки нақш шундай аталади. **Зардек** нурафшон маҳалла маъносида бўлиши мумкин.

Зилха - Олтиариқ туманидаги қишлоқ. Сўзнинг этимологияси маълум эмас. Кавказ тизмасида Зилға номли чўққи қайд этилади.

Катпут – Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Топоним таркибидаги кат термини Евроосиё материгида энг кенг тарқалган ва қадимги иборалардан бўлиб Авесто ва қадимги суғд ёзувларида тилга олинади. Уй, бошпана, қишлоқ, шаҳар каби маънони англатади. “Пут” ибораси –йўл, сўқмоқ, кўприк каби маънода ишлатилади.

Олтиариқ - Олтиариқ тумани маркази. Ўтмишда Шохимардон сойидан оқиб келган сув ҳамда қишлоқдан чиқаётган булоқ сувлари ҳозирги Олтиариқ қишлоғига етиб келганда олтита ариққа, олтита тармоққа бўлиниб кетган. Шу сабабли бу жой ариқнинг сонига, миқдориغا нисбат берилгани ҳолда Олтиариқ деб атала бошланган. (Охунов, 1994).

Оқбўйра - Олтиариқ туманидаги қишлоқ. Оқбўйра уруғ номи сифатида қайд этилади. Этимологиясини аниқлашда номнинг иккинчи-қисмидаги Бувра, Бўғра, Бура «туя, оқ туя» сўзи билан боғлаш ҳам мумкин. Бура ёки бўйра географик термин сифатида «ёнбош, ёнбағир, қирғоқ, чекка» деган маънони англатади (Дўсимов, 1977; Қораев, 1970).

Повулғон - Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Мўғул тилида Паулган – “кўниш жойи”, “ўрда”, “манзил” демакдир.

Полосон - Олтиариқ туманларидаги қишлоқлар номи. Фарғона водийсида ғалвирнинг бир тури полосон дейилади. Топоним форсча “**палас**” сўзи билан алоқадор («дарвеш») деган фикрга қўшилсак, Паласон – “дарвешлар” демакдир. (Дўсимов, 1977).

Тўда - Фарғона вилоят Олтиариқ ва Риштон туманларида, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги қишлоқлар номи. Тўда - ўзбек уруғларидан бирининг номи бўлган.

Файзиобод - Олтиариқ туманидаги қишлоқ. “Обод” сўзи тожикча об-сув, обод-сувли, сув етарли жой деган маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли манзилгоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси «гуллаган» демакдир. Вилоятда ижтимоий ҳаётдаги воқеалардан *Дехқонобод, Ёшларобод, Мехнатобод, Мингдонобод, Мулқобод, Наврўзобод, Нуробод, Ободмахалла, Оқариқобод, Пахтаобод, Тошобод, Файзиобод, Халқобод, Чекмирзаобод, Чинобод, Шарқобод, Шоҳимардонобод, Янгиобод* каби жой номларини яратилганлигини кўриш мумкин. Вилоятимиздаги қишлоқ ва маҳалла номлари орасида Мехнатобод 3 мартадан, *Дехқонобод* 6 марта, *Янгиобод* 7 марта такрорланади.

Эскиараб - Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Бу номни Араб этнонимига алоқадор эканлиги юқорида таъкидланган эди. Топонимикадаги хронологик қонуниятга кўра барча номлар эски ва янги номларга бўлинади. Янги аҳоли масканини пайдо бўлишида бошқа маскандан келган кишиларни хизматлари бўлади, улар одатда ўз масканлари номини “янги”, “обод” кўшимчалари билан янги жойга кўчириб борадилар. Уларни олдинги масканларига кўпинча “Эски” ибораси қўшилади. Масалан, *Эски, Эскияйпан, Эскиқўна* каби.

Қапчуғай - Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Бу ном республикамизда кенг тарқалган гидрологик терминдан олинган. Бу сўз мўғул тилидан олинган бўлиб “дара”, “жар” деган маънони билдиради.

ХУЛОСА

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мустақил топонимик сиёсат олиб борди. Натижада, жой номларига миллий қадрият қатламларидан бири сифатида қаралиб халқ тарихи, маданияти, тилига алоқадор бўлмаган, ҳаёт ҳақиқатини акс этмайдиган географик номлар ўзгартирилди, тарихий номлари тикланди ёки қайта номланди. Амалга оширилган ишлар «...миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва халқимизга етказиб бериш каби маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор» деб, белгиланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йили 30-августдаги "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида"ги 2004 йил 11-августдаги 383-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-120-сонли қарорларидан кейин ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Аммо, минтақа топонимиясида ўз ечимини кутаётган масалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ҳудуд географик объектларининг номлаш қонуниятлари, уларни миллий стандартлаштириш, жой номларининг транскрипцияси, минтақа жой номларининг лингво-географик қатламлари, маҳаллий географик терминларнинг топонимларнинг шаклланишидаги ўрни, вилоят топонимиясини географик классификациялаш каби масалалар бу соҳада тадқиқотларни кучайтиришни талаб этади. Ушбу тадқиқот ишида илк бор

минтақа жой номлари иқтисодий-ижтимоий география фани ва унинг қонуниятлари доирасида ҳамда вилоят аҳоли пунктлари номлари мисолида тадқиқ ва таҳлил қилинди.

Албатта, ҳар қандай каттароқ ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари борлигини инобатга олмоқ даркор. Минтақа топонимияси унинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, табиий шароити, тарихи ва иқтисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари билан билан чамбарчас боғлиқ эканлигини инкор қилмасдан жой номларини улар билан уйғунликда ўрганиш, кўпгина топонимларни тўғри изоҳлаш ва тадқиқ қилиш имконини беради. Географик номларнинг пайдо бўлиши стихияли ёки тасодифий бўлиб кўринсада, аслида бир қатор мураккаб қонуниятлар билан боғлиқ, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш долзарб вазифасидир.

Олтариқ тумани жой номларини географик жиҳатдан тадқиқ этиш, уларни шаклланишида минтақанинг ижтимоий - иқтисодий ва географик хусусиятларини аниқлаб ўрганиш, ҳудуднинг географик ўрни, аҳоли пунктларининг ҳудудий таркиби ва уларнинг топонимик жиҳатдан ўрганилиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва ихтисослашуви, жой номларининг минтақавий хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммолари каби масалаларни ойдинлаштиришни тоқазо этади.

Олтариқ туманининг шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида ташкил этилган топонимик комиссиялар ишини жонлаштириш зарур. Комиссия аъзолари маҳаллий ҳокимият вакиллари бошчилигида шаҳар ва туманлардаги барча объектлар номларини илмийлигини текшириб, уларнинг латин алифбосида тўғри ёзилиши назорат қилмоғи лозим. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай муассиса ва ташкилот ном танлашда маҳаллий ҳокимият қошидаги топонимик комиссиянинг маслаҳати билан иш кўриши мақсадга мувофиқ.

Географик номлар ҳақидаги қонун қабул қилиниб унда жой номларининг давлат руйхатини (каталогини) тузиш, топонимларнинг картотекаси захирасини

яратиш, тарихий номларнинг “қизил китоб”ини ташкил этиш каби масалалар қонуний ечимини топади деб ўйлаймиз. Республикада ягона топонимик марказ ташкил этилиб барча географик номлар компьютер базасига киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Келажакда жой номларини илмий - амалий жиҳатдан тадқиқлаш, топонимик карталар тузиш, пировард натижада Ўзбекистоннинг мукаммал миллий топонимик атласини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. –б.19
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: «Ўзбекистон», 2009.-б.8
3. Бегматов Э. Жой номлари ва жойларни номлаш олдига қўйилган асосий талаблар. ЎФ Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари. Илмий-амалий конференция докладлари тезислари.-Т.: 1994. –22-23 б.
4. Губаева С.С. Этноним ў в топонимии Ферганской долины. ЎФ Автореф. дис. канд. истор. наук. – М.: 1973.
5. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари.-Т.: 1968. -97 б.
6. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1977. -174 б.
7. Караев С. Топонимия Узбекистана. –Т.: Фан, 1991. -130 с.
8. Кармўшева Б.Х. О некоторѳх древних тюркских племенах в составе узбеков. –М.: Наука, 1960.
9. Мурзаевѳ Э. и. В. Словарь народнѳх географических терминов.-М.: 1959. - 303 с.
10. Никонов В.А. Введение в топонимику. –М.: Наука, 1965. -178 с.
11. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. - Т.: Фан, 1989.
12. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми?-Т.:1970.-190 б.
13. Қораев С. Географик номлар маъноси. –Т.: 1978.-180 б.
14. Қораев С, ва бошқ. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳи луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1979. -156 б.
15. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати. –Т.: 2001. –176 б.
16. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. –Т., 2005. -238 б.
17. Qoraev S. Toponimika. –Т.: 2006. -320 б.

18. Ғуломов П.Н. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати.
-Т.: Ўқитувчи, 1994. -140 б.
19. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. -Т.:1965.-80 б.
20. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. -Т.: Ўзбекистон, 1985. -120 б.
21. www.Ziyo.net.
22. Geografiya.cc.uz/index.php/lk=main&ln=ru
23. Family-history.ru/material/onomastics.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I-БОБ	ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ	7
1.1.	Жой номларида табиат ва жамият алоқадорлигининг акс этиши	7
1.2.	Топонимларнинг тарихий ва лингвистик асослари.	17
	Топонимларнинг географик таснифлашнинг илмий асослари	24
II-БОБ	ЖОЙНИНГ ГЕОГРАФИК ЎРНИ ВА ТАБИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН ТОПОНИМЛАР	36
2.1.	Жойнинг географик ўрни ва рельефини акс эттирувчи топонимлар.	36
2.2.	Сувлик билан боғлиқ топонимлар	42
2.3.	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини акс эттирувчи топонимлар	46
	ХУЛОСА	54
	Фойдаланилган адабиётлар	57